



QR коди орқали газетанинг электрон вариантыни юклар олинг!



Фракция йиғилиши

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ

тўққиз ойлик ижроси қандай баҳоланди?



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида бир қатор қонун лойиҳалари партия мақсад ва вазибаларидан келиб чиқиб кўриб чиқилди.

Айниқса, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига бола ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси қизғин кечди. Қайд этилганидек, мамлакатимизда ҳар бир боланинг ҳеч қандам кам бўлмаган таълим-тарбия олиши учун зарур шароитлар яратилган. Уларни ижтимоий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ҳимоя қилиш, айниқса, қизиқишлари бўйича тўғри йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фракция аъзолари қонун лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида унинг бугунги кундаги аҳа-

мияти ва заруратига алоҳида эътибор қаратишди. Ушбу ҳужжатни такомиллаштириш бўйича асосли таклифлар илгари сурилди. Савол-жавоблардан сўнг мазкур қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди. Йиғилишда кўриб чиқилган навбатдаги масала — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2022 йилдаги тўққиз ойлик ижроси тўғрисида ҳисобот бўлди.

Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида мамлакатимизда фан соҳасига 1 390,7 миллиард сўм ёки фанни ривожлантириш учун кўзда тутилган маблағларнинг 89,6 фоизи ўзлаштирилган. 2022

йилдан бошлаб илмий лойиҳаларни молиялаштириш Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси орқали молиялаштиришга ўтказилди ва жамғарма томонидан 2022 йилнинг 9 ойлик якунига кўра 409,1 миллиард сўм маблағ илмий лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилди.

Нобў илмий объектлар ва илмий муассасаларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун кўзда тутилган 495,1 миллиард сўм маблағнинг 82,7 фоизи ўзлаштирилган. Илмий-тадқиқот институтлари қайта ташкил топиши ҳамда уларни бюджет ҳисобига молиялаштириш учун 2022 йилдан бошлаб ўтказилиши ва шу муносабат билан бўш турган иш урилари ўз вақтида тўлдирилмагани сабабли

белгиланган маблағлар тўлиқ ўзлаштирилмаган.

Фракция аъзолари жорий йилнинг 9 ойида соғлиқни сақлаш соҳасига Давлат бюджетидан йўналтирилган маблағлар миқдори 18 930,8 миллиард сўм ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2 803,7 миллиард сўмга ёхуд 18,3 фоизга кўп маблағлар ажратилганига ҳам алоҳида эътибор қаратишди.

Ҳисобот даврида амалга оширилган салмоқли ишлар ижобий баҳоланиб, айрим бандлар бўйича белгиланган вазибалар бажарилиши кечикаётгани танқид остига олинди. Бу борада депутатлар ўз нуқтаи назарини, фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсияларини беришди. Йиғилишда Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2022 йил 9 ойлик ижроси юзасидан ҳисобот маъқулланди.

Биз ва дунё

ФРАНЦИЯДА УЛУҒВОР ТАРИХИМИЗ БЎЙ КЎРСАТМОҚДА



Шу йилнинг 23 ноябрдан 2023 йил 6 мартга қадар Францияда Ўзбекистон воҳаларининг улуғворлигига оид кўргазма ўтказилмоқда.



30
8 DEKABR
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KONSTITUTSIYASI QABUL
QILINGAN KUN

“Конституция билимдон”лари вилоят босқичида беллашишди

Жорий йилнинг 8 декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига 30 йил тўлади. Мамлакатимиз тараккиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берган Бош қонунимиз тарғиботида бағишланган тадбирлар ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинмоқда.

“Адолат” СДП Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган “Конституция билимдони” кўрик-танловининг вилоят босқичида ушбу беллашувнинг шаҳар ва туман босқичларида биринчилиكنи қўлга кiritган ўқувчилар қатнашди.



Замонализмнинг забардаст адиби

Халқ ёзувчиси, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон давлат мукофотлари лауреати, профессор, “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши аъзоси, жамоат арбоби Мухаммад АЛИ адабий портретига чизгилар



Парламентда

МУҲИМ МАСАЛА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

2022 йил 24 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” социал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Экологик партияси фракцияларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси якунлари асосида Конституциявий қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар атрофида кўриб чиқилди.



Машҳурларнинг аёллари

“КИНО УЧУН ТУФИЛГАН!”

Экранда Ражаб Адашевни кўрган ёки эслаган киши бор-ки, юзига табассум югуради. Актёр “Янги бой”, “Бойвачча”, “Кичкина табиб”, “Афанди ва Азроил”, “Девона”, “Алпомиш”, “Отамдан қолган далалар”, “Бомба”, “Қизилқум”, “Алибобо ва 40 қароқчи”, “Еттинчи жин”, “Семурғ”, “Ой бориб, омон қайт” каби 100 дан ошди фильмларда ўзига хос, эса қоларли образлар яратди. Айниқса, “Абдуллажон” фильмидаги Бозоров образи уни халқ ичиди янада машҳур қилди. Бу роли орқали у ўзбек киносининг боқийликка дахлдор актёри сифатида томошабинлар кўнглидан жой олди, десак муболага бўлмайди. Актёрнинг Абдуллажонга қарата айтилган “Шакарсан, шакар!” ибораси томошабинларнинг ҳар бирининг хонадониди янграши бор гап. Бу кинофильми томошабин қанча кўрса ҳам зерикмайди, аксинча завқ олади.

1964 йилда Самарқанд вилоятининг Ургут шаҳридан Тошкентга келиб, 20 ёшида “Ўзбекфильм” киностудиясига ишга кирган, бирин-кетин яратган турли образлари орқали ўз истеъдодини намойён қилиб, теъд эл назарига тушган Ражаб Адашевнинг меҳнати давлатимиз томонидан юксак баҳоланди. У 1997 йилда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист”, 2010 йилда “Ўзбекистон Республикаси Халқ артисти” унвонига сазовор бўлди. Салкам 80 ёшни қоралаган, ханузгача эл хизматидаги сеvimли актёримиз 2021 йилда “Дўстлик” ордени соҳиби бўлди ва 2022 йилда “Меҳнат фахрийси”, “Маданият ва санъат фидокори” кўкрак нишонлари билан тақдирланди.



Сеvimли актёримизнинг ҳаёти, оиладаги ўрни, қизиқиш ва интилишлари билан яқинроқ танишиш мақсадида унинг турмуш ўртоғи, эришган муваффақиятларига салмоқли ҳисса қўшган Раънохон ая СИРОЖЕВАНИ суҳбатга тортидик.




ДИҚҚАТ АКЦИЯ

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI
ТАШАБУСИ БИЛАН
2022 ЙИЛ 2 ДЕКАБРЬ КУНИ
РЕСПУБЛИКА ҚОН ҚУЙИШ МАРКАЗИ ВА УНИНГ
ХУДУДИЙ БЎЛИНМАЛАРИДА

“БОР МЕҲРИМИЗ СЕНГА, БОЛАЖОН!”

БЕҒАРАЗ ДОНОРЛИК АКЦИЯСИГА
БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ЧОРЛАБ ҚОЛАМИЗ!

ВАҚТ: 9:00 дан 15:00 гача
МАНЗИЛ: Тошкент шаҳар, Шота Руставели кўчаси, 138-уй
ТЕЛЕФОН: +998 99-520-13-85
+998 99-421-93-18
БАТАФСИЛ: www.adolat.uz



2023 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Боғланиш учун телефонлар:
91 165-02-66, 97 900-72-15

Обуна индекси — 100



МУҲИМ МАСАЛА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ташкилланганидек, мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотлар негизини ташкил этувчи "Инсон қадри учун" ғояси ҳамда ҳозирги ислохотларимизнинг бош тамойили бўлган ёндашув Конституцияимизнинг мазмунига чуқур сингдирилмоқда.

Қонун лойиҳаси муҳокамаларида ёшлар, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, сиёсий партиялар фаоллари, Ватанимиз тақдирига бефарқ бўлмаган барча юрtdошларимиз катта қизиқиш билан иштирок этиб, ўз тақлифларини билдирди. Пировардида умумхалқ муҳокамаси доирасида 150 мингдан ортиқ тақлифлар келиб тушди.

Бундан ташқари, сиёсий партия фракциялари аъзолари ўз тавсияларини Бош қомусимизда акс эттириш мақсадида Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан тақлифларни қабул қиладиган ва умумлаштирадиган "Фракция – марказ – вилоят – туман" тартибидея ишлайдиган тизим йўлга қўйилди. Мазкур тизим орқали фракцияларга тақдим этилган фикр ва тақлифларни муҳокама қилиш ҳамда масъул кўмиталарга йўналтириш амалиёти жорий этилди.

Шунингдек, ушбу жараёнда фракция аъзолари жамоатчиликнинг кенг қатламлари вакиллари билан очиқ мулоқот тадбирлари ўтказиб, Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича тақлиф-мулоҳазалар олишга алоҳида эътибор қаратди.

Фракциялар аъзолари Конституциявий ислохотлар юзасидан ўз нуқтаи назарини билдирар экан, халқимизнинг тақлифлари асосида шакллантирилган Конституциявий қонун лойиҳасида давлатнинг ишсизлигини тугатиши, солиққа тортишнинг адолат принципларига мос бўлиши, давлатнинг зарур ҳолларда хориждаги фуқароларга ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатиши, меҳнат ҳуқуқларининг давлат томонидан ҳимоя қилиниши, аёллар ва эркаклар ҳуқуқларининг тенглиги, ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири бўлиши, одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилишини белгилаш ва бошқа шу каби тақлифлар ўрин олганини алоҳида эътироф этилди.

Депутатлар Конституциявий комиссия ҳамда масъул кўмиталар томонидан амалга оширилган ишларни маъқуллади. Конституциявий қонун лойиҳасини жамиятдаги бугунги реал вазоқликка, шиддатли ислохотларимиз мантқиғига мослаштиришга қаратилган тақлифларни илгартириб, ўзларининг позицияларини билдиришди.

Йиғилишда Конституциявий қонун лойиҳасини такомиллаштириш мақсадида фракциялар олдидея турган устувор вазифалар белгилаб олинди.

«Конституция билимдон»лари вилоят босқичида беллашишди

Тадбирни партия вилоят кенгаши раиси Р.Рауфов кириш сўзи билан очиб, яқинлашиб келаётган Конституция байрами билан барчани табриклади.

– "Конституция билимдони" кўрик-танлови ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимлари, онги ва маданиятини юксалтириш, уларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларда эркин фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини ўстириш, уларнинг фаол фуқаролик позициясини янада мустаҳкамлаш, уларда Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч руҳини шакллантириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантириш ҳамда «Адолат» СДП дастурий мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қўлбўйиш мақсадида ташкил этилди, – деди Р.Рауфов.

Беллашувлар жараёнида ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимларини мустаҳкамлаш, уларнинг орасидан энг иқтидорлиларини аниқлаш ва рағбатлантириш ҳамда партия дастурий мақсад-вазифаларининг мазмун-моҳиятига ёшларнинг эътиборини кенг жалб қилишга алоҳида урғу берилди.

Танлов низомига кўра, 1-шарт таништирув, 2-шарт Ўзбекистон Республикаси Конституциясини билиш даражаси ва сиёсий партиялар тўғрисида савол-жавоб, 3-шарт эркин мавзу деб номланди. Иштирокчи ўқувчиларнинг саҳна маданияти, нотийлик маҳорати ҳамда ижодий қобилияти алоҳида эътиборга олинди.

Қизгин беллашувлар натижасига кўра, 3-ўринни Деҳқонobod туманидаги 19-умумтаълим мактаби 11-синф ўқувчиси Алпомош Кўчқоров, 2-ўринни Нишон туманидаги 19-умумтаълим мактаби 11-синф ўқувчиси Муқаддам Рўзиқуллова эгаллади. Энг юқори кўрсаткични Қашқадарё вилояти юридик техникуми ўқувчиси Севино Файзуллаева қайд этиб, танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Ғолиб ва совриндорларга партиянинг фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Достон НУСУРОВ, Қашқадарё вилоят кенгаши ижрочи котиб

Бугуннинг ёшлари зукко, қадамлари ҳам илдам. Уларнинг ҳар томонлама баркамол улғайиши, ижтимоий шаклланиши, эркин таълим олиб, ўзлари истеъдод кассини пухта эгаллаши, иқтидорини жамият манфаатлари йўлида тула намойиш этиши учун мамлакатимизда ҳамма шарт-шароитлар яратилган.



Бош қомусимизнинг 30 йиллиги муносабати билан «Адолат» СДП Жиззах вилоят кенгаши томонидан «Сайилжой» академик лицейида ўтказилган «Конституция билимдони» кўрик-танловининг вилоят босқичида халқ депутатлари Жиззах вилоят ва шаҳар кенгаши депутатлари, ҳамкор ташкилотлар, ўқитувчилар, талабалар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Тадбирни партия вилоят кенгаши раиси ўринбосари П.Ҳамзаев очиб берар экан, Конституция юртимизда олий мақомдаги қонун сифатида давлат қиёфаси, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тўлиқлиги, бошқарувнинг демократик принциплари, жамият ривожланишининг стратегик йўналишлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қамраб олуниши ҳамда маънавий қадриятларимиз асослари мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутишини таъкидлаб ўтди.

Тадбир қатнашчилари белгиланган шартлар асосида пухта тайёргарлик кўришганини, мамлакатимиздаги иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар ҳақида ўз тушуначасига эга эканлигини улар тайёрлаган фотоальбом, ишро ва шеърый намуналаридан иборат кўргазмаларидан ҳам кўриш мумкин. Ёшлик шижоати жўшиб турган ўғил-қизлар ҳар бир шарт бўйича ўзларининг ҳуқуқий ҳамда сиёсий жиҳатидан билимли экани билан ҳакамларнинг, устоз мураббийлар ва тенгдошларининг олқишига сазовор бўлишди.

Яқиний ҳисоб-китобларга кўра, танловда Арнасой туман босқичи ғолиби Шожаҳон Холдоров 3-ўринни, Шароф Рашидов туман босқичи ғолиби Дилзода Фарходова 2-ўринни, Жиззах шаҳар босқичи ғолиби Гавҳарой Қобилова фахри 1-ўринни эгаллаб, танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Кўрик-танлов ғолиблари ҳамда иштирокчилари «Адолат» социал-демократик партияси Жиззах вилоят кенгашининг махсус диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Жиззах вилоят кенгаши матбуот хизмати

«Адолат» СДП ташаббуси билан ташкил этилган «Конституция билимдони» кўрик-танлови юрtdошларимизнинг эътирофига сазовор бўлаётгани қувонарлидир.

Урганч шаҳридаги 2-сонли ўсмирлар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтган танловнинг Хоразм вилояти босқичида шаҳар ва туман босқичлари ғолиблари, ҳамкор ташкилотлардан таркиб топган ҳакамлар хайъати, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари, партия фаоллари, депутатлари иштирок этишди.

– Иқтидорли иштирокчилар орасидан ғолибни аниқлаш жуда мураккаб кечди, – дейди ҳакамлар хайъати раиси, Хоразм вилояти Адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси Расулбек Ибрагимов. – Ёшларнинг танлов шартларини фаоллик билан бажаришга оид қобилиятини кўриб, қўйиб қолдик. Айниқса, Бош қомусимиз, партиянинг Сайловои дастурига ва қонунларга доир сиёсий билимлари юксалиб бораётганидан ушбу танлов жуда ўринли ташкил этилганига амин бўлдик.

Танлов шартларини аъло даражада бажариб, барчанинг эътиборини тортган Хоразм вилояти юридик техникуми ўқувчиси Фазилят Абдужабборовова ғолиб деб топилди ва кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

2-ўринни Хива шаҳридаги 9-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси Зухра Отабоева, 3-ўринни Богот туманидан Шоҳода Саъдуллаева қўлга киритди. Қолган иштирокчилар танловдаги фаол иштироки учун партиянинг фахрий ёрлиги ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Замира АБДУЛЛАЕВА, Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиб

ФРАНЦИЯДА УЛУҒВОР ТАРИХИМИЗ БЎЙ КЎРСАТМОҚДА

Унда юртимиз заминидея ҳукм сурган цивилизациялар, сулолалар ва подшоликлар ҳаётидан, санъати, маданияти ва тарихидан хикоя қилувчи кўплаб экспонатлар намойиш этилади. Дунё аҳли мамлакатимиз тарихи билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади. Бу Ўзбекистонни дунёга янада танитиш йўлидаги муҳим қадам бўлиб, маданий ҳамкорлик учун янги эшиклар очиб қўйилмоқда.

Кўргазмани ўтказиш ғояси, аслида, анча аввал пайдо бўлган, бироқ турли сабаблар туфайли уни ташкил этиш билан боғлиқ ишлар ортага сурилган. 2018 йилда давлатимиз раҳбари Францияга ташрифи чоғида Лувр музейига ҳам борган эди. Олий даражадаги ташриф чоғида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси билан Лувр музейи ўртасида кўргазма ташкил этиш бўйича келишув имзоланди.

Кўргазмада намойиш этиладиган экспонатлар юртимиз тарихининг милoddан аввалги III-II асрлардан теурийлар ҳукмронлиги ниҳоясигача бўлган даврларга оид. Улар орқали тарих ихлосмандлари Марказий Осиё тарихининг энг ривожланган даврлари ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконига эга бўлади.

Ушбу улкан тарихий давр оралиғида Ўзбекистон заминидея турли давлатлар ва подшоликлар ҳукм сурган. Дастлаб воҳа-давлатлар деб аталувчи, кейинчалик юнонлар истилосидан сўнг пайдо бўлган Юнон-Бактрия давлати, қушонлар салтанати, эфталлийлар давлати, турк хоқонлиги, сомонийлар, қорахонийлар, салжувийлар ва хоразмшоҳлар давлати мўғиллар босқинига қадар ҳукм сурган энг йирик подшоликлар эди. Улар ўз даврида бутун дунёда энг йирик салтанатлар қаторида тилга олинган.

Мўғиллар истилоси юртимиз тарихида зулмат рамзи сифатида қолган. Ушбу даврни ривожланишда орtdа қолиш даври, дейиш ҳам мумкин. Истилодан олдинги кўплаб маданий бойликлар таланди, шаҳарлар вайрон бўлди. Қадим Самарқанд шаҳри ҳувоуллаб қолди, Урганч ва Бухоро сингари шаҳарлар харобага айлантирилди. Кейинчалик буюк саркарда Амир Темур даврида бу ҳудудлар қайта тикланди. Жумладан, Самарқанд шаҳри ўз ўрнидан бошқа ерда қайта қад ростлади ва Шарқнинг энг йирик илм-маърифат, маданият марказига айланди. Бу давр тарихимизда "Теурийлар Ренессанси" деган ном билан есланиши беҳиж эмас. Бу жабҳада буюк Теурийнинг набираси Мирзо Улугбекнинг хизматлари беҳиж.

Намойиш этиладиган экспонатлар орасида биз ҳали кўришга улгурмаган янги топилмалар, турли хорижий коллекция ва музейларда сақланаётган мамлакатимизга тегишли бойликлар, шунингдек, Ўзбекистон музейлари захирасидан олиб борилган турли санъат дурдоналарини кўриш мумкин. Улар орасида Далварзинтепа хазинаси, Кофирқалъадаги ёғоча ишланган ўймакор нақшлар, Бухоронинг Варахшасидан топилган деворий суратлар ҳамда Самарқанддаги Афросиёб деворий суратлари, турли хайкалтарошлик буюмлари, Катта Лангар Қуръони марказий ўридан жой олган. Барча экспонатлар қиймати жиҳатидан бир-биридан асло қўйилмайди. Бу хоҳ қушонлар салтанати оид деворий суратлар бўлсин, хоҳ ислом даврига тегишли қумуш тангалар ёки металл буюмлар бўлсин, ҳар бирининг ўз тарихи бор.

Кўргазманинг аҳамияти жиҳати шундаки, у мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама алоқаларда янги даврни бошлаб беради. Франция Ўзбекистоннинг маданий соҳадаги энг асосий ҳамкорларидан биридир. Ушбу нуфузли тадбир орқали бу шериклик янги босқичга кўтарилди. Чунки бундай кўламли лойиҳа мамлакатимиз тарихида ҳали қузатилмаган. Кўргазманинг дунёдаги энг кўп сайёҳ борадиган маданият даргоҳи — Лувр музейида ташкил этилиши унинг даражасини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти ва имижини кўрсатишда ҳам кўргазма муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Чунки юқорида таъкидланганидек, Лувр музейи дунёда сайёҳлар ташрифи

буюриши жиҳатидан энг юқори ўринда туради. Кўргазма мамлакатимизга янада кўпроқ сайёҳ жалб қилиш учун ажойиб имконият.

Кўргазма доирасида қилинган ишлардан бири сифатида ўзбек ва француз тилларида нашр этилган "Ўзбекистон воҳаларининг мўъжизалари. Карвон йўллари чорраҳасида" номли каталогни ҳам санаб ўтиш лозим. Китоб дастлаб француз тилида тайёрланиб, кейин ўзбек тилига таржима қилинди. Бир гуруҳ маҳаллий ва европалик тарихчи, санъатшунос, шарқшунос олимлар мақолаларидан иборат ушбу китобнинг ўзбекча нашри Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти, тарих фанлари доктори Баҳром Абдуҳалимов ҳамда Санъатшунослик институти директори, тарих фанлари номзоди Шокиржон Пидеаев умумий тахрири остида Лувр музейи томонидан нашр қилинди.

Мазкур каталогни чиқаришдан мақсад Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида тамаддунлар кесишуви, кўплаб маданий ўзига хосликлар, етук санъатнинг бир қанча қирраларини юзага келтирадиган бадий хусусиятларни кўрсатиб бериш

Жаҳонгир ОСТОНОВ, Фанлар академияси Шарқшунослик институти таянч докторанти

Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан олимлар ҳақидаги мақолалар, ислом оламида мўътабар саналган китоблар ва Қашқадарё вилоятидан топилган Катта Лангар Қуръони ҳақидаги муҳим маълумотларни айнан шу бўлимда ўқиш имконияти мавжуд.

Тўртинчи бўлимда сифат, бойлик ва бадий тараққиёт мезонларига ҳеч қандай таъсир кўрсатмасдан, минтақадаги сиёсий ва маданий аҳволнинг ўзгаришига сабаб бўлган давр тарихи ёритилган.

Айнан қорахонийлар даврида Юсуф Хос Ҳожий туркий тилда "Қутадғу билиг" асарини ёзган. Асарларнинг аксарияти жамиятдаги илғор қатлам вакиллари орасида, шунингдек, бутун мусулмон дунёсида тарқалиши учун араб тилида ёзилган.



орқали ўқувчида юртимиз тарихи ҳақида ёрқин ва тўлиқ тасаввур ҳосил қилишдир. Ушбу китоб кўргазма мазмунига мос равишда воҳа-давлатлар ва Юнон-Бактрия салтанатининг ташкил топишдан теурийлар салтанатининг охиригача бўлган даврни қамраб олган беш бўлимдан иборат.

Биринчи бўлимда воҳа давлатлар вужудга келган давр ва уларнинг маданий юксалиши ҳақида сўз боради. Сақлар, сарматлар, қанғуийлар ва юзқчилар миграцияларининг маданий тавсифи, археологик топилмалар, хусусан, Далварзинтепа ва Холчаён тарихий ёдгорликлари ҳақида қимматли маълумотлар олинди мумкин.

Иккинчи бўлимда III-VIII асрлардан иборат беш асрлик давр ҳақида сўз боради. Бу давр хунлар ва туркларнинг янги миграцияси билан алоҳида аҳамиятга молик. Шунингдек, мазкур давр Хитой, Ҳиндистон ва Жануби-Шарқий Осиё ўртасида ипак савдоси орқали машҳур сўғд савдогарларининг олтин даври сифатида ҳам тилга олинди. Евроосиё минтақасида савдо-сотик ривож билан бирга туташ ҳудудлар маданиятининг барча унсурлари жам бўлган сарой санъатининг энг юксак чўққига кўтарилган даври ҳисобланади. Савдогарлар нафақат тижоратчи, балки маданий мулоқотни таъминловчилар, маданият экспорт ёки импорт қилувчилар сифатида ҳам ҳурматга сазовор бўлган. Афросиёб, Варахша ва Болаликтепа манзилгоҳларидан топилган деворий тасвир ва тисмонлар, шунингдек, Кофирқалъанинг ўймакорлик намуналари ўша давр сарой санъати ва унинг улғуворлиги билан тўлиқ танишиш имконини беради. Китобдан мазкур давр тарихи ва ёдгорликлари ҳақида қимматли маълумотларни олиш мумкин.

Навбатдаги бўлимда ислом динининг Марказий Осиёга кириб келиши ва унинг юртимиз тарихидаги ўрни ҳақида сўз боради. Бу даврдан бошланган илк Шарқ Ренессансига улкан ҳисса қўшган.

ган. Илм-фан, хусусан, тиббиёт ривожланган. Ғарбда лотинча Materia medica номи билан авлодларга сақланиб қолган юнон шифокори Диоскориднинг асари 1083 йилда Самарқандда араб тилига ўғирилган.

XI аср ўрталари қорахонийлар сулоласининг давлат бошқаруви, шунингдек, ҳукмдор Тамғачон шарофати билан Мовароуннаҳрда илк мадраса қурилган давр сифатида тарихга муҳрланган. Минтақага туташ ҳудуд — Орол денгизининг жанубидаги Хоразмда 1110 йилда, яъни хоразмшоҳлар сулоласи даврида форс тилида тиббиётга оид қомус ёзилган бўлиб, унга Абу Али ибн Сино асарлари киритилган. Бу даврнинг охири Чингизхон ва мўғил қўшинларининг XIII-XIV асрларда Ғарбга босқинчилик юришлари билан изоҳланади. Улар ўзидан кейин ҳеч қандай муҳим маданий ва бадий мерос қолдирмаган.

Китобнинг сўнги бўлимида минтақанинг юксалиш даври ҳисобланган теурийлар сулоласининг ҳокимиятга келиши тарихи баён қилинган. Сулола асосчиси Амир Темур сиёсий ва ҳарбий истеъдоди туфайли ҳокимият таспасага келди ва Самарқандни пойтахтга айлантирди. У Ўртаер денгизи ва Хитой ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий ва бадий марказга айланган ҳақиқий салтанатни барпо қилди. Самарқанд шаҳри ва бугунги кунгача сақланиб қолган ранг-баранг обидалар бу буюклиқдан далолат беради. Бу давр теурийлар сарой кутубхоналарида китоб таълиқ санъати ҳомилий қилгани туфайли миниатюра расмчиликнинг олтин даври ҳамдир. Барча китоб таълиқ ижодкорлари Самарқанд ва Бухорода жам бўлган.

Хулоса қилганда, кўргазма ва унинг доирасида нашр этилган китоб Ўзбекистон тарихининг муҳим даврлари ҳақида дунё аҳлини хабардор қилишда катта амалий қадамлардан бири бўлади.

ТАНЛОВ

«Адолат» СДП «КОНСТИТУЦИЯ РАНГЛАР ЖИЛОСИДА» кўрик-танлови ғолибларининг расмларини рақамлаштириш, китоб-альбом макетини тайёрлаш, яқиний дизайнни яратиш ва чоп этиш бўйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов шартлари:

1. Республика кўрик-танлови ғолибларининг А0, А1, А2, А3 форматдаги расмларининг рангли сканер вариантини тайёрлаш, расмларнинг электрон кўринишдаги картотекасини тайёрлаш, ҳар бир расмини китоб-альбом форматига мослаштирган ҳолда камчиликларини тўғрилаш;
2. Республика кўрик-танлови ғолибларининг номлари кўрсатилган ҳолда рақамлаштирилган расмлардан фойдаланиб, Конституцияимизнинг моддалари ақс эттирилган китоб-альбомнинг электрон макетини тайёрлаш, партия ва ҳамкор ташкилотлар логотиплари туширилган яқиний дизайннинг электрон кўринишини яратиш;
3. Тақдим қилинган электрон макетдан фойдаланиб (силлик, мелланган қоғозда, рангли, каттик муқовали қилиб) аввал А4 форматдаги 5 та намунавий альбомини чоп этиб, чоп этилган альбомлардаги аниқланган камчиликларини бартароф этиб, яқиний ҳолдаги китоб-альбомларни керакли адалда чоп этиш.

Эслатма! Тижорат тақлифлари билан бирса хорхона-тақшилотнинг лицензия ва зувозномалари тадбиркорлик субъекти томонидан тасдиқланган ҳолда тақдим этилиши шарт.

Мурожаат учун тел: 71 288-42-08 (107, 115, 116, 127)

Муаммо билан юзма-юз

Мактаблар қишга тайёрми?! ИККИНЧИ МАҚОЛА


ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ: Юртимизнинг ҳар бир ҳудудида кузги ва қишги мавсумга тайёргарлик кўриш борасида кенг қўллангани амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу йилги мавсумга тайёргарлик кўриш сифатини ошириш мақсадида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилди. Мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларнинг барчаси инсон ва унинг фаровон ҳаёт кечирishiга қаратилган бўлишига қарамасдан, айрим мутасаддилар бу борада сусткашликка йўл қўйишга тани афсусланарли ҳол.

– Қаҳратоннинг қаҳри қаттиқлашиши эҳтимоли яқинлашганда бир паллада мавсумнинг кўнғилдагидек ўтиши учун қандай чора-тадбирлар кўриляпти? – дейди «Адолат» СДП Қўйи Чирчиқ туман кенгаши раиси Зиёвуддин Тўраев. – Қўйи Чирчиқ тумани халқ таълими бўлимига қарашли 14-, 27 ва 31-сонли таълим даргоҳларининг мавсумга тайёргарлиги, қозонхоналарнинг шайлиги, синфхона ва кабинетларнинг иситиш тизими, яъни батареяларнинг яроқлилиги қай аҳволда эканлиги текширилди. Бирок, шולי курмакис бўлмаганидек, баъзи бир таълим масканларининг мутасаддилари бу масалага панжа орти-

дан қарашаётганига ҳам гувоҳ бўлинди. Масалан, 14-умумий ўрта таълим мактабида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари талаб даражасида ташкил этилмаган. Қозонхона текшириб қўрилмаганили, унинг муҳофаза ишлари талаб даражасида эмаслиги, иситиш мосламалари, баъзи батареялар хизмат муддатини ўтаб бўлганлиги каби камчиликлар аниқланди. Шунингдек, мактабнинг том қисмидан синф хоналари шифтга сув ўтаётганлиги, мактаб ёнидаги машиналар йўлига пиёдалар ўтиш учун йўл чизиги чизилмаганили аниқланди. Урганлиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарурий тавсиялар берилди.

Халқимиз таъбири билан айтганда, қор осмонда қишламайди. Остонада табиатнинг инжиқ мавсуми эшик қоқиб турибди. Унинг ҳар бир куни синодир. Қиш фаслини беталафот ўтказиш эса унинг «имтиҳон»ларига қанчалик пухта ҳозирлик кўрилганига боғлиқ. Буни нафақат мутасадди идоралар масъуллари, балки ҳар биримиз бир зум бўлсада, ёддан кўтармаслигимиз, тадриқни пухта қилишимиз керак. Ана шунда қиш ўчоги тор бўлиб қолмайди.

Тошкент вилоят кенгаши матбуот хизмати



СИРДАРЁ: Куз-қиш мавсуми келгани ва ўқув йилининг 2-чораги бошланиши муносабати билан Сардоба тумани халқ таълими бўлимига қарашли умумий ўрта таълим мактабларининг ёмғирли ва совуқ кунларга тайёргарлик ҳолати ўрганилди. Урганиш давомида Сардоба туманидаги 6-, 9-, 11-, 21-умумтаълим мактабларида бир қанча муаммолар борлиги аниқланди.

Хусусан, Сардоба туманидаги 6-мактабнинг ҳолати «Адолат» СДП Сирдарё вилояти кенгаши раиси ўринбосари С.Усмонов, туман кенгаши раиси Б.Бекмуродов ва мактаб маъмурияти билан биргаликда ўрганиб чиқилганда, 5 та қозонхона ашёлари эскирганлиги сабабли янги замонавий иситиш тизимларини ўрнатиш ва мактаб биносининг том қисмларини таъмирлаш лозимлиги аниқланди. Бунинг устига қиш-қиш эшикларининг зич ёпилиши ҳам таъминланган.

Тумандаги 11-умумтаълим мактабининг 3 та қозонхонаси эскирганлиги сабабли унга замонавий иситиш тизимларини ўрнатиш, дераза оналарини, мактаб биносининг том қисмларини таъмирлаш керак.

21-умумтаълим мактабининг ҳовлисини таъмирлаш учун цемент ва тош кераклиги маълум бўлди. Урганлиган мактабларнинг газ учун ҳисоблагичлари тўлиқ ўрнатилган ва қисловдан ўтказилган. Дудбўронлар эса ёнғин хавфсизлиги ҳолатлари томонидан тўлиқ текширувдан ўтказилган.

Мониторинг натижалари ишчи гуруҳнинг маҳаллий ҳокимлик ва тегишли раҳбарлар иштирокидаги йиғилишида муҳокама қилиниб, йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан керакли чоралар белгиланди. Шунингдек, жараёнда аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича депу-



татлар томонидан таълим мутасаддиларига тушунча ва тавсиялар берилди.

«Адолат» СДП Сирдарё вилоят кенгаши матбуот котиби Ш.Умаров ва «Адолат» СДП вилоят кенгаши депутати Салоҳиддин Элмуродов Сирдарё тумани мактабларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолатини ўрганишди. Сирдарё тумани халқ таълими бўлими тасарруфиди жами 43 та мактаб, 5 та филиал мавжуд. Умумтаълим мактабларининг барчасида эшик-дераза ромлари, том қисмларини бўтлаш, иситиш қувурларини изоляциялаш, АҚ ва икки қават бўлмаган дераза ромларга тўлиқ целлофан қоплаш, иситиш тизими юқори босимда ювиб синовдан ўтказилиб, далолатномалар расмийлаштириш ишлари олиб борилган.

Шу йилнинг 13 октябрида тумандаги 6-сонли умумтаълим мактабида Сирдарё тумани ҳо-

кимлиги қурилиш бўлими мутахассиси У.Ҳасанов, Саноят хавфсизлиги давлат қўмитаси ходими Н.Абдурахмонов, туман газ таъминоти ХТ ва ММ бўлими етакчи муҳандиси З.Сейтжалиева, туман ФВБ ходимлари Х.Бердиев, Ш.Қурбанов ҳамда умумтаълим мактабларининг масъул ходимлари иштирокида 2022-2023 йиллар куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш бўйича амалий ўқув семинари бўлиб ўтган. Куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича туман ҳокимлиги билан молия бўлими ҳамкорлигида 7 та мактабнинг эшик-дераза ромларини алмаштириш, 1 та мактабнинг том қисмини таъмирлаш, 3 та мактабнинг иситиш қозонларини таъмирлаш ва 2 та мактабнинг иситиш тизимларини таъмирлаш бўйича 250 миллион сўм маблағ ажратилган.

Сирдарё вилоят кенгаши матбуот хизмати



ХОРАЗМ: Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунига асосан умумтаълим мактабларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлигини ўрганиш юзасидан Шовот туманида партия туман кенгаши раиси М.Абдиёзова, туман Кенгаши депутатлари Х.Исмаилов, Ж.Қурбанбаев, халқ депутatlари туман Кенгаши котибият мудири У.Рўзметовдан таркиб топган ишчи гуруҳ туманда фаолият олиб бораётган мактабларда ўрганиш ишларини олиб боришмоқда.

Хусусан, 1-, 2-, 5-, 25-, 26-, 27-, 37-, 49-сонли умумтаълим мактабларининг

ёмғирли ва совуқ кунларга тайёргарлик ҳолати махсус сўровнома асосида кўздан кечирилди.

Урганиш натижаларига кўра, куз-қиш мавсуми келгани ва ўқув йилининг 2-чораги бошланиши муносабати билан умумий ўрта таълим мактабларининг ёмғирли ва совуқ кунларга тайёргарлиги талаб доирасида экани кузатилди.

«Адолат» СДП Урганч шаҳар кенгаши раиси Рустам Болтаев етакчилигидаги фаоллар шаҳардаги 18-, 19-сонли умумтаълим мактабларида ўрганиш ишларини олиб боришганда мавсумга тайёргарлик талаб



доирасида эканини аниқлашди.

Шунингдек, партиянинг Хонқа туман кенгаши фаоллари тумандаги 12-, 19-, 35-, 42-, 36-сонли умумтаълим мактабларида олиб борилган ўрганиш ишлари давомида 19-мактаб томонидан чакка ўтаётганини аниқлашди. Туман Кенгаши депутати, ишчи гуруҳ раҳбари Сотимбой Раҳмонов ҳомийлигида мутахассислар жалб этилиб, муаммо тезкор бартараф этилди. «Нурафшон» маҳалласида жойлашган 12-сонли

умумтаълим мактабига ўтувчи пиёдалар йўлига мавжуд эмаслиги ва мактаб олдидаги йўл асфальтланмаганлиги сабабли қиш мавсумида ўқувчилар азият чекишга тани маълум бўлди. Мазкур муаммо юзасидан ишчи гуруҳ далолатнома тузиб, партия вилоят кенгашига тақдим этди. Урганиш ишлари давом этмоқда.

Меҳмон АБДИЯЗОВА, «Адолат» СДП Шовот туман кенгаши раиси

Хавфсиз шаҳарда жиноятсиз мактаб

Қувасий шаҳридаги 1-сонли айрим фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари, шаҳар ҳокимлиги, туман ички ишлар ҳамда халқ таълими бўлимлари ҳамкорлигида «Хавфсиз шаҳарда жиноятсиз мактаб» шпори остида семинар ўтказилди.

Семинарда таъкидланганидек, ўқувчилар ўртасида маънавий муҳитни барқарорлаштириш, уларнинг белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Хавфсизлик юзасидан ўқувчиларни металлдетектор орқали назоратдан ўтказиш турли кўнғилсиз ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Мазкур мактабда «Адолат қўтиси» жорий этилган бўлиб, ўқувчилар ва ота-оналар ўз тақлиф ва шикоятларини бериб бориши мумкин.

Яна бир аҳамиятли жиҳат шундаки, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати Музаффар Меҳмонов томонидан компьютер технологиясига қизиқиши бўлган иқтидорли ўқувчилар рағбатлантириб келинмоқда. Бу гал депутат 27-сонли умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси Қобилжон Нейматовни



тақдирлади. Мазкур совғани шаҳар ҳокими ўринбосари А.Мамажонов ва халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати А.Назиров ўз эгасига топширди.

Фаргона вилоят кенгаши матбуот хизмати

Худудлардан хабарлар

«КўЧАТ ЭКИБ, БОҒ ЯРАТАМИЗ»

Айни кунларда юртимизда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида «Долзарб 40 кунлик» давом этмоқда. Тадбирдан қўзланган мақсад – боғ яратиш орқали яшил худудларни кенгайтиришдир.



Андижонлик «адолат»чилар бу ҳаракатда фаол иштирок этмоқда. Худудий кенгашлардаги партия фаоллари маҳалла ва хонадонларда бўлиб, кўчат экиш ишларига бошчилик қилляпти.

Андижон давлат табиёт институтидаги сафдошларимиз бу борада бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Улар институт ҳудуди ва кўчаларни обод қилиш, янги кўчатлар экиб, боғ яратиш ташаббуси билан чиқдилар.

– «Адолат» СДП Андижон вилоят кенгаши раиси Мадаминжон Мадазимов бошчилигида ҳашара чиққан партиядошларимиз биринчи навбатда тозалаш ишларига эътибор қаратишди, – дейди Андижон шаҳар кенгаши раиси Уткирбек Арзиқулов. – «Кўчат экиб, боғ яратамиз» шiori остида бошланган тадбир меҳнат байрамига айланиб кетди. Айниқса, бўлғуси шифкор-сафдошларимизнинг гайрати узғача. Улар яшил маконнинг кенгайишига муносиб ҳисса қўшишди.

Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати

«АДОЛАТ БОҒИ» барпо этилмоқда

Жорий йил куз мавсумида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси бўйича «Долзарб 40 кунлик» доирасида халқ депутатлари Жомбой туман кенгашидаги «Адолат» социал-демократик партияси депутatlк гуруҳи раҳбари Комила Умарова ташаббуси билан тумандаги мактабгача таълим муассасаларига мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатлари экилди.



Хусусан, 32-ДМТТ ҳовлисига 70 туп арча, 50 туп бошқа манзарали дарахтлар ўтказилди. Кунги кеча эса қишги мавсум олдидан мутахассислар билан ушбу кўчатларнинг ҳолати кўздан кечирилди. Уларнинг янада яхши кўкариши учун тегишли тавсиялар берилди.

Бундан ташқари, тумандаги 45- ҳамда 56-умумтаълим мактаблари ҳовлисида «Адолат боғи» ташкил этилмоқда. Ушбу мактаблар ҳовлисида 100 туп арча, 70 туп мевали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Дилмурод МАҲРАМОВ, журналист, партия фаоли

Номзод маъқулланди

«Адолат» СДП Чимбой тумани кенгашининг навбатдан ташқари VIII пленуми ўтказилди. Унда партия Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси ўринбосари Р.Отарбаев ва кенгаш аъзолари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирок этишди.

Танқидий-таҳлилий ва очик мулоқот руҳида ўтган пленумда «Адолат» СДП Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича Чимбой туман кенгашининг 2022 йил 9 ойи давомидаги иш фаолияти муҳокама қилинди.

Кун тартибидagi иккинчи масала юзасидан Р.Отарбаев сўзга чиқиб, Чимбой туман кенгаши аъзosi Мурат Отарбаев номзодини партиянинг Чимбой туман кенгаши раиси лавозимига тавсия қилди. Таклиф бир овоздан маъқулланиб, М.Отарбаев кенгаш раислигига сайланди.

Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати

Термиз туманида БПТ ташкил этилди

Термиз туманидаги 4-сонли умумтаълим мактабида «БПТлар фаоллигини ошириш – устувор вазифа» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда партиянинг Термиз туман кенгаши ва «Ёш адолатчилар» қаноти фаоллари, депутатлар, мазкур таълим муассаса жамоаси иштирок этишди.



Давра суҳбатида «Адолат» СДП Сайловолди дастурида илгари сурилган гоёлар, ҳаётга татбиқ этилаётган партия лойиҳалари, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш доирасида партия томонидан олиб борилаётган ишлар, бошланғич партия ташкилотларнинг фаоллигини ошириш ва бошқа қатор масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Тадбирда партияга аъзо бўлиш учун берган аризалар эътиборга олинди, мазкур муассасада ўттиз бир нафар аъзони бирлаштирган БПТ ташкил этилди. Партияга аъзолик билетлари сафдошларга Термиз туман кенгаши раиси Шухрат Хайитов томонидан топширилди.

– Буеун ҳаётимда унутилмас кун бўлди. «Адолат» СДПнинг Сайловолди дастурида таълим соҳасини ислоҳ этиш гоёси илгари сурилгани ва ҳаётга татбиқ этилаётгани бизни партияга аъзо бўлишга ундади. Буеун янги ташкил этилган БПТ сафини аъзолар билан кенгайтириб боришга фаол ҳаракат қиламиз, – дейди БПТ раиси Гулшан АҲРОРОВА.

Партияга билдирилган ишонч, таклиф ва мулоҳазалар қизғин тус олган давра суҳбати сўнггида иштирокчиларнинг қизққан саволларига атрофлича жавоб берилди ва ўз ўрнида БПТ фаолиятидаги келгуси вазифалар белгилаб олинди.

Жуманазар ЧОРИЕВ,

«Адолат» СДП Термиз туман кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти етакчиси

Семинар

Мазкур мактабда «Адолат қўтиси» жорий этилган бўлиб, ўқувчилар ва ота-оналар ўз тақлиф ва шикоятларини бериб бориши мумкин.

Акс садо

Эсимда, мактабда ўқиган давримизда ҳар бир синфга бир кучок газета-журналлар келарди. Синфдошларимиз билан талашиб ўқирдик. Улардаги ҳар бир маълумот биз учун қизиқ эди. Айниса, тенгдошларимизнинг ана шу газета-журналларда номларини кўрсак, жуда хурсанд бўлардик. Бизда ҳам нималардир ёзиш, ижод қилиш ҳисси уйғонарди. Энг кизиқарлиси, улардаги ҳар бир маълумот биз учун фойдали эди.

МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИ — МУТОЛАА

Дарҳақиқат, бугун кимдир келиб мендан ўқиш ва изланишга бўлган ғайратни, ижодга иштиёқни қаердан олсан деб сўраса, мен иккиланмай орзуларимга қанот бўлган газета ва журналларни айтган бўлар эдим. Инсоннинг орзуларига газета ва журналларнинг нима алоқиси бор, деб ўйлашимиз мумкин, албатта. Мен журналист эмасман.

Газета-журнал ўқиб, ўз мақсадларини ёшлиқдан белгиланган ўқитувчан. Бу касбга муҳаббат айнан мактаб давримдан бошланган. Газета ва журналларни ўқиб, ҳаммиша ижодкор ўқитувчи бўлишни орзу қилганман. Менинг ижод намуналарим ҳам газета-журналларда чоп этилишини ва ҳар бир хонодонга кириб боришини истаганман. Эҳҳе, мен каби қанча синфдошларим бу нарсани орзу қилишган. Кутубхоналарда китоблар билан бирга газета ва журналларни ҳам муролаа қилардик. Китоб, газета ва журналлар муролаа қилиш инсоннинг дунёқарашига, фикрлашига ва ҳатто сўзлашишига катта таъсир кўрсатар экан. Ҳатто уйимизда бувижон ва бобожонларимизга келадиган газеталар ҳам талаш бўлар эди. Жамиятимиздаги янгиликлар, тенгдошларимиз фаолиятидан куч олардик гўё.

"Adolat" газетасининг шу йил 11 ноябрь кунги сонидан устоз журналист Камол Муҳаммад Ёқубнинг "ЯНА ОБУНА ҲАҚИДА" номли мақоласини ўқидим. Унда жамиятимизнинг орғиқли нуқталарига айланиб бораётган долзарб масала ҳақида сўз юритилган. Газета ва журналларнинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни йўқолиб бориши ҳақиқий маънода бизни маъна-

вий қашшоқликка етаклаётгандек. Бугун ҳаётимизда шундай хасталик пайдо бўлгани, унга чалинган инсон ҳаёти муқаррар ўлим билан тугайди. Хасталикнинг номиданоқ ўлим иси келади. Уни ижтимоий касаллик дейишди. Жамиятдаги тубанлик, ахлоқсизлик, калтабинлик маънавий қашшоқлик, эътиқодсизлик туфайли пайдо бўлади. Бу газета ва журналларнинг ҳаётимизда ўрни йўқлигини башорат қилаётганлар, эҳтимол, ўзлари ҳам ана шундай бедаво дардга чалинган бўлсалар керак.

Агарки, бугун ёшларнинг маънавий қашшоқлик томон юз бораётганлари ҳақиқат бўлса, демак, уни ҳароб қилган касалликнинг номи — ижтимоий дард. Аслида, биз ҳам интернетни қораламаймиз, аммо интернет бизнинг маънавий оламимиздаги бўшлиқни тўлдиролмаётгани. Утмишга назар ташлайдиган бўлсак, буюк кашфиётлар қилган аждодларимиз даврида ҳеч қандай ижтимоий олам бўлмаган. Аммо босма нашрлар ҳар бир даврда инсонлар учун муҳим манба ҳисобланган. 80-йиллар охирида "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида Шукур Холмиразев катта бир баҳсни бошлаб берган эди. "Адабиёт улашимиз" деган савол кўлаб мунозараларга сабаб бўлганди. Аммо етук ижодкор Чўлпоннинг "Адабиёт яшаса — миллат яшайди" деган сўзлари ҳар замон ўз исботини кўрсатиб келмоқда.

Ҳаётда, айниса, ҳозирги даврда босма нашрларнинг тугган ўрни беқиёс. Бугунги замон ҳаётни —

буюк кашфиётлар асри, фан ва техника ғоят ривожланган, инсоният тафаккурининг бемисил ютуқларига эришилаётган XXI асрни газета ва журналларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Инсон нонсиз, нозу неъматларсиз яшай олмаганидек, маънавий озиқ бўлиш матбуот, оммавий ахборот воситалари ҳам ҳозирги замон одамларининг доимий йўлдоши, яқин ҳамкорига айланган. Бутун ер кurrasини кўз илғамас қон томирлари сингари қамраб олган оммавий ахборот воситалари кишиларга дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисалар тўғрисида ҳар қуни, ҳар соат, ҳар сония да хабар бериб туради, уларнинг онгига, маънавий дунёсига таъсир кўрсатади. Бунда илғор, халқларвар ғояларга асосланувчи, инсониятга эзгулик ва тараққиёт ғояларини етказувчи босма нашрлар асосий ўрин тутди.

Газета ва журналлар жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб оларкан, шу кунинг тарихини тўлалигича акс эттиради. У ўқувчига дунёни танитади, унинг онгини оширади, маънавий озиқ беради, ижтимоий фаолиятини йўналтиради ва фаоллаштиради.

Дарҳақиқат, ҳаётни севсанг, вақтни бой берма, чунки вақтдан ҳаёт яралади, деган экан файласуфлардан бири. Инсон учун энг қимматли нарса вақт ва бу айни ҳақиқатдир. Йўқотилган ҳар қандай нарса, масалан, бойлик, амал ёки уй-жойни топиш мумкин, лекин ўтган вақтни топиш ёки орқага қайтаришнинг иложи йўқ. Глобаллашув дунёни ўзгартирмақда. Янги-янги кашфиёт-



Соҳиба ЯНГИБОЕВА,
Урғач давлат университети
Ёшлар билан ишлаш
масалалари бўйича декан муовини

лар инсоннинг яшаш тарзига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Айни дамда, ҳаётимизнинг бир қисмига айланиб кетган интернет олами кўп ҳолларда бизнинг энг қимматли нарсамиз — вақтимизни беҳуда сарфлашимизга сабаб бўлмоқда. Файласуф ва шоир Ралф Уолдо Эмерсоннинг "Ҳаёт бошидан охиригача тажриба. Тажриба қанча кўп бўлса, шунча яхши", деган аjoyиб ибораси бор. Кўзланган мақсадларга эришиш учун вақтни тўғри тақсимлаш ва маънавий оламимизни ҳамиша бойитиб боришимиз керак. Бугун биз фарзандларимиз онгини ижтимоий тармоқлардаги бўлар-бўлмас маълумотлар билан эмас, босма нашрлардаги ёритиладиган фойдали маълумотлар билан тўлдиролмас, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишлари учун асосий тамал тошини қўйган бўламиз.

Чунки ҳар бир оиланинг маънавияти унга кириб бораётган газета ва журналлар, хонадонда ўқилаётган китоблар билан ўлчанади. Маънавий таназзулдан қутилишнинг йўли — ўқиш. Матбуотнинг вазифаси эса жамиятдаги талотўплар, урғо-ур, сола-соллардан хабардор қилиш эмас, иллатнинг илдизини аниқлаш, унга қарши курашиш, миллатнинг маънавиятини юксалтириш, миллий қадриятларни соф ҳолда асраб қилишдан иборатдир.

Матбуот анжумани

Глобал муаммо

"Адолат" СДП Қашқадарё вилоят кенгаши ва Қашқадарё вилояти қурилиш бош бошқармаси раҳбарияти, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги "Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссия" томонидан вилоятдаги "Журналистлар уйи"да "Коррупция — глобал муаммо" мавзуда матбуот анжумани ташкил этилди. Унда маҳаллий Кенгаш депутатлари, Қурилиш бошқармаси ходимлари, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок эттишти.

Дилрабо ЧОРИЕВА,
"Адолат" СДП Қашқадарё вилоят кенгаши бош мутахассиси

Тадбирда партия вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Руиддин Рауфов ҳудудий партия ташкилотлари томонидан коррупцияга қарши курашиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳусусида қисқача ахборот берди.

— *Коррупция дунё миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган глобал муаммолардан биридир. Ушбу иллат ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказиб, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини поймол бўлишига олиб келади.* — Д. Р. Рауфов. — *Шу боис унга қарши кураш халқро аҳамият касб этиб, ҳақон сиёсатининг муҳим масалалари қаторидан жой олган.*

— *Бугунги кунда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида Қурилиш вазирлиги ва унинг таркибига кирувчи ташкилот, корхоналар ходимларининг ҳуқуқий онга ва ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳам устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.* — деди Қашқадарё вилоят Қурилиш бош бошқармаси бошлиғи З. Зокиров. — *Қурилиш вазирлиги, ҳудудий бўлинмалари ва унинг тузилмасига кирадиган ташкилотлар шартномаларига коррупцияга қарши курашиш бўйича моддани киритиш тўғрисида Ўйрқнома ҳужжатлари ишлаб чиқилди.*

Тадбирда соҳадаги илхотлар сабаб вазият тубдан ўзгарганлиги, қурилишга боғлиқ ҳужжатларни қалбақлаштириш ва амалдаги қонун, қарорларга риоя этмаган ҳолда ҳужжатлар расмийлаштириш қонун доирасида жавобгарликка тортилишга сабаб бўлиши ва жазо муқаррарлиги таъкидлаб ўтилди. Бундан ташқари, коррупция бўйича ташкилотларга рейтинг баҳо-лар берилаётганлиги тўғрисида ахборот берилди.

Шунингдек, матбуот анжуманида кўпгина ҳолларда пора бериш ташаббуси айнан фуқароларнинг ўзидан чиқаётгани, жамиятни ҳалол ва коррупциядан холи ҳудудга айлантиришга барчамиз бирдек масъул эканлигини алоҳида ўқитилди. Порахўрликка қарши курашишда фуқароларимизнинг ҳаракати асосий куч эканлиги таъкидлаб ўтилди.

101 огоҳлантиради

Офатдан эҳтиёт бўлинг!

"Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" давомида жойларда ёнғин хавфсизлиги ҳолатларини яхшилаш, юзага келаётган ёнғинларни камайтириш, бу офат оқибатида инсонларнинг тан жараҳати олишлари ва моддий бойликлари қулга айланиши ҳолатларини бартараф этиш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилиб, шахримиз фуқаролари билан учрашувлар ташкил қилинмоқда.

Бахт КИДИРБАЕВ,
Жаҳонгир ЖЎРАЕВ Зиёдулла ўғли,
Чилонзор тумани ФВБ П ва НБ мутахассислари

Афсуски, кўп ҳолларда ёнғинларнинг юз беришига ўзимиз сабабчи бўламиз. Бепарволигимиз оқибатида кўпга нохушликлар келиб чиқади. Ёнғинлар асосан электр тармоқлари ва ускуналаридан кичик тута-шувлар, электр асбобларининг қизиқ кетиши, моддаларнинг ўз-ўзидан ёниб кетиши, болаларни назоратсиз қолдириш каби ҳолатлардан келиб чиқади. Айниса, қишда уйларни иситиш учун ишлатиладиган қўлбола иситиш мосламалари, шунингдек, газ плиталарининг ёққич қолдирилиши кўпга нохушликларга олиб келади.

Айни пайтда, ёнғин болалар қаровсиз, эътиборсиз қолиши оқибатида ҳам келиб чиқади. Шунинг учун ёш болаларни уйда қаровсиз қолдирмаслик зарур. Катта ёшдаги болаларга эса ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тушунириш керак. Гугурт, ёнадиқозан, шам, электр асбобларидан эҳтиёт бўлиб фойдаланиш лозим. Болаларга ёқилган электр ва газ мосламаларини, иситиш, печларини, дазмолларни назорат қилишни, улардан фойдаланишни буюрманг. Айниса, қўлбола иситиш мосламаларидан фойдаланманг. Фуқароларимизни янада эътиборли бўлишга қақирамиз. Ёнғин офатидан эҳтиёт бўлинг!

Депутатлик гуруҳларида

САЙЁР ҚАБУЛЛАР: муурожаатларга ечим борми?

Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзолари юзлаб хотин-қизларга кўмак бериб келмоқдалар. Жумладан, улар томонидан тузилган ишчи гуруҳи Қувасой шаҳрида ижтимоий-маънавий мухитни барқарорлаштириш, оилалар мустаҳкам-лигини таъминлаш, эрта никоҳ ва ажримларнинг олдини олиш борасида ўрганиш ишлари олиб бориши. Партиянинг халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги депутати Дилоромхон Мехмонова вилоят Кенгашининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича доимий комиссияси раиси ҳисобланади.



Ишчи гуруҳ "Арсиф", "Қалача" ва "Янгиобод" маҳаллаларида "хонадонбай" ишлаш орқали 300 дан ортиқ оилалардаги маънавий мухит, ижтимоий ҳолат ва фуқароларнинг яшаш шароити билан танишди. Урганишлар давомида ажрим ёқасидаги 6 нафар, оилавий жанжал қилишга мойиллиги бўлган низоли-нотинч оилалар рўйхатига киритилган 4 нафар оилалар муаммоларининг ечими бўйича ма-сўлауларга тавсиялар берилди. Шунингдек, ҳудуддаги 17-, 18-, ва 23-умумтаълим мактабларида "мактаб-маҳалла-оила" ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, ўқувчиларнинг даволатини яхшилаш, фарзандлар тарбиясига барча бирдек масъуллигини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

"Арсиф" маҳалласи ҳудуддаги қишлоқ врачлик пункти шифокорлари кўчабошилар билан ҳамкор-ликда "Соғлом оила — соғлом жамият" широи остида аҳоли орасида соғлом турмуш тарзига амал қилиш,

турли касалликларни эрта аниқлаш ва унинг олдини олиш бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар кели-шиб олинди.

Шунингдек, депутатнинг Қувасой шаҳрида сайёр қабули ўтказилди. Қабул давомида "Арсиф", "Қалъача", "Янгиобод", "П.Валик", "Ю.Валик", "Най-ман", "Бўстон" МФЙ аҳолиси муурожаатлари тинг-ланди. Муурожаатлар асосан субсидия, ишга жойла-шиш, уй-жой, моддий ёрдам, йўлларни таъмирлаш, ичимлик суви, электр таъминоти ҳамда тадбиркор-лик фаолиятини юритишга оид масалалардан ибор-рат бўлди. Депутат муурожаатларни тегишли ташки-лот раҳбарлари иштирокида кўриб чиқди.

Хусусан, қабул давомида келиб тушган 12 та му-урожаатнинг 9 таси жойида ҳал этилди ва 3 таси на-зоратга олинди. Муурожаатлар ижобий ҳал этилиши юзасидан масъул ташкилот ва корхона вакилларига тавсиялар берилди.

"Дўстлик", "Намуна", "Кўчқорчи", "Суфон", "Па-кана", "Лашкар" МФЙларда депутатлар билан ҳамкорликда ўтказилган сайёр қабуллар ҳам банд-лик, уй-жой, моддий ёрдам, ички йўлларни таъ-мирлаш, ичимлик суви ҳамда тадбиркорлик фа-олиятини юритишга оид 23 та муурожаат тегишли ташкилот раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилди. Уларнинг 18 таси жойида ҳал этилиб, 5 таси назо-ратга олинди.

— *Ҳудуд кесимида аҳолини қийнаб келаётган кўпга масалаларни кўриш, — дейди депутат. — Фуқаронинг шахсий ҳаётига, маҳалласига оид му-аммоларни ижобий ҳал қилиш мақсадида депутат-лар, ташкилот ва корхоналарнинг мутасадди раҳ-барлари билан ҳамфикр бўлди. Энг муҳими, ўзаро бирдам бўлиб ҳаракат қилсак, муаммолар ўз ўр-нида ҳал бўлади.*

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Шер-зод Каримов Марғилон шаҳрининг "Терак таги", "Роҳат", "Саховат", "Милитқоз", "Чилонзор", "Ёв-қачар" ва "Дўстлик" МФЙларида сайёр қабул ўтка-зиб, шаҳар Кенгаши депутатлари билан биргаликда фуқаролар муурожаатларини тинглади. Йўлларни асфальт қилиш, светофор, кўча чироқларини ўрна-тиш, тоза ичимлик суви тармоғини тортиш, субси-дия ажратиш сингари кўпга масалалардаги муам-молар бўйича 18 дан зиёд муурожаат қабул қилинди. Уларнинг аксариятига ҳуқуқий тушунча берилиб, му-тасадди ташкилотларга йўналтирилди. Муурожаат-ларнинг 5 таси ҳудуд депутатлари кўмагида ижобий ҳал этилди.

— *Сайловчиларнинг кўпга муаммолари сайёр қа-булларда ҳал бўлмоқда, — дейди депутатлар вилоят Кенгаши депутати Зокиржон Раҳимов. — Кўп ишларни масъул ташкилотлар билан ҳамкор-ликда амалга оширмоқдамиз. Дангара туманининг "Чинобод", "Қияли" ва "Оқжар" МФЙларида ўтка-зилган учрашувларда ҳам аҳолини қийнаб келаёт-ган турли масалаларни жойида ҳал этишга ҳар-кат қилдик. Электр таъминотидаги узлишлар, эски симёчлар ва куз-қиш мавсумида кўмир билан таъминлаш бўйича ҳудуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда чора-тадбирлар амалга оширилди.*

Фарғона вилоят кенгаши
матбуот хизмати

Ибрат

АДОЛАТ

Америкада ҳаммага машҳур бир судья бор. Ниҳоятда адо-латли. Уша судья бир сафар ўн беш ёшли бир бола устидан ҳукм қилди. Бола дўкондан нон ва пишлоқ ўғирлаган экан. Бола қо-чиш асносида тоқталардан бирини ҳам синдирган. Ходиса тафсилотини эшитган судья боладан сўради:

- Сен ҳақиқатдан ҳам ўғирлик қилдингми? Нон ўғирлаб тоқчани ҳам синдирдингми?
- Бола хижолатдан ерга қараб жавоб берди:
- Ҳа!
- Нега ўғирлик қилдинг?
- Мухтожликдан.
- Ўғирлагандан кўра сотиб ол-санг бўлмасмиди?
- Пулим йўқ!
- Отанг ёки онадан пул ол-санг бўлар эди-ку!
- Отам йўқ. Онам бор. У бемор. Ишлай олмайдим. Онам учун нон ва пишлоқ ўғирладим!
- Ишламайсанми?
- Машина ювар эдим. Онамга ёрдамлаш учун хўжайиндан бир кун жавоб сўрадим. Шунинг учун мени ишдан ҳайдади!
- Савол-жавоб тугагандан сўнг судья ҳукмини эълон қилди:
- Ўғирлик, хусусан, нон ўғир-лаш жуда ҳам ятпли иш. Бу ўғир-ликда ҳаммамиз шеркмиз. Мана



шу залда ўтирганларини бари мен ҳам борман. Бу ерда ўтир-ганларини барига ўн доллардан жарима соламан. Ўн доллар бер-масдан ҳеч ким залдан чиқмасин!

Биринчи бўлиб судьянинг ўзи чўнтагидан ўн доллар чиқариб столга қўйди ва деди:

— Оч қолган болани полицияга топширган дўкон эгасига минг доллар жарима соламан. Агар дўкондор пулни бермаса, дўконга ёпилади. Модомики, кимдир нон ўғирлар экан, бундан барча фуқаро-лар уялиши лозим. Бу жамиятимиз учун шармандалик!

Залдаги барча иштирокчилар боладан кечирим сўради. Ҳамма йўғлади. Судья ҳам залдан кўзла-рида ёш билан чиқди.

Замонамизнинг забардаст адиби

**Янгибой Қўчқоров,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган
маданият ходими**

Рус тилини яхши билганим учун ҳарбий хизматда Мудофаа вазирлиги бошқармаларидан бирининг кўмондонига ёрдамчи бўлганман. Столим устида 8 телефон турарди. Биттасига атиги 2 марта кўп теккизганман. У линия генерал Шумилога тегишли эди. Кўмондоним генерал орқали маршал Шестопаловга чиқарди. Лекин бошқа телефонлардан уй томонларга бемалол кўнги-роқ қилиб турардим. 1983 йилнинг кузида Тошкентга, Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлайдиган устозим Маъруф Жалилга кўнги-роқ қилиб, "Нашриётда қандай янгиликлар бор?" деса-м, "Муҳаммад Алининг китобида муҳаррирлик қилдим!" деди. "Шу китобдан жўнатмайсизми?" деса-м, "Жўнатаман. Лекин бир китоб эмас, иккитасини жўнатаман. Ибройим оганинг китобида кўп кўмак берган эдингиз. Ушани кўшаман!" деди. Ҳа, кундан кўнги-роқ қилиб "Раҳмат, сенга замонамиз" ва "Севсам, севилсам" китобларидан иборат бандероль етиб келди. Биринчи китобга устоз Иброҳим Гафуров сўзбоши ёзган, иккинчи китобнинг тақризи филология фанлари доктори Пирмат Шермухаммедов эди. Ҳарбий қисмга "Литературная газета" келар, унда бот-бот Пирмат аканинг мақолаларини ўқиб турардим. "Севсам, севилсам"га Муҳаммад Али аканинг "Фазога ҳислар", "Шафақ", "Оталар юрти", "Алвон чечаклар", "Оқ нур", "Илҳом париси" китобларидан сара намуналар ва янги шеърлари киритилган экан. Аиниқса, китобга Роберт Бёрнснинг "Йўлдаги тунаш" шеърининг таржимаси киритилганини кўриб қувониб кетдим. Қишлоқ хўжалик институтида ўқиганимда Ўрта Чирчиқ даласида кунига аранг ўн килограмм пахта терардим. Ушанда Бёрнснинг "Мея в горах застигла тьма" деб бошланган мазкур шеърини Самуил Маршак таржимасида ўқиб берсам, таниш табиқа қилар бунга этакдан пахта териб беришарди. Жаҳон шеъринида ишқ тўғнларини РБёрнсдек очик ифода этадиган шoir кам. "Севсам, севилсам"да Бёрнснинг шеърлар анча экан:

*Лаб устида яқондан холинги бордир,
Хол эмас у, жон қушига дон дейдиларму?
Сайлаб сени минглар ичра бу мазрур Али,
Модҳинг этар эз аро дoston дейдиларму?*

Шoir шотланд шoirи оҳангларига шу қадар бериладики, "Йўлдаги тунаш" таржимаси билан унинг "Бир ўпич" шеъри руҳан икки томчи сувдек бир-бирига ўхшайди. Лекин бу кўр-кўрона кўчириш эмас:

*Факат шунинг поилар йиғини тушур!
Бўса чакмоқ янглик қисқа бўлса-да,
Йиғини ёзувчида юзурдан бур,
Бир бойиб олади ўзлари буван!*

Нур Муҳаммад Али поэзиясининг илгини тўқ қилган образ. У мағзини тўқ китобини "Оқ нур" деб атайди. Михаил Суслон мафқуранинг ойбонтасини бандан кўтариб турган кезларда улуг Амир Темурга бағишланган достонини "Тумбаздаги нур" деб атайди. Профессор Беғали Қосимов шoirнинг "Сайланма"сига ёзган сўзбошида бу достон боиси эдиб "Кўнги-роқ китобхонлар меҳрини қозонгани"ни алоҳида таъкидлайди:

*Қиринг, сўмбиз қобиргалари
Бир-бирга вақтин нур ташур.
Қодир қисмат йўлидай бари
Бир нуқтага бориб биравуру...*

"Тумбаздаги нур" ўз-ўзидан ёзилгани йўқ, Чунки бўлуси забардаст адиб Москвадаги Адабиёт институтининг, яъни Тьерь хиёбони, 25-иморат, бир вақтлари буюк Герцен таваллуд топан табаррук уйнинг қаттиқ нонини еган. Турли йилларда Ч.Айтматов, М.Алигер, Э.Асадов, Б.Ахмадуллина, Г.Бақланов, С.Баруздин, В.Белов, Ю.Бондарев, Р.Гамзатов, Д.Кугультинов, Қ.Қулиев, А.Нурпеисов, Р.Рождественский, К.Симонов ва бошқа юзлаб шoir, носир, драматурглар бу даргоҳдан маҳорат сабоқларини олган. Институт ўқитувчилари орасида К.Федин, П.Антокольский, К.Паустовский, Л.Леонов, Л.Кассиль, А.Сурков каби машҳур бадиий сўз дарғалари бор эди. Мен ҳарбий хизмат чоғи бошлғимдан руҳсат олиб, ўша институтга борганман. Ўша кунгача олийгоҳни 2921 иждоқор битирган экан. Муҳаммад Али ака ўқишга кирган йили бўлуси таниқли адиб Жонрид Абдуллахонов олий адабиёт курсини битираётган эди.



Партиядошимиз

Халқ ёзувчиси, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон давлат мукофотлари лауреати, профессор, "Адолат" СДП Сийсий Кенгаши аъзоси, жамоат арбоби Муҳаммад Али адабий портретида чизгилар

Ўз даврида институт битирувчилари Ч.Айтматов, Р.Гамзатов собиқ тузумининг Ленин мукофоти лауреати, Меҳнат Қаҳрамони бўлган. Шунингдек, С.Смирнов, В.Федоров, О.Фоккина, Н.Дамдинов ва Муҳаммад Али ака Аҳмедовлар Ёшлар мукофоти лауреати бўлишган. Бу ўша даврнинг энг нуфузли мукофотларидан бири эди. Ўзбекистонда мазкур мукофот Муҳаммад Али ака мансуб авлоднинг ёрқин вакилларидан Э.Воҳидов, А.Орипов, Ў.Ҳошимов, О.Матжон, О.Ҳожиёва, Ҳ.Худойбердиева ва бошқаларга насиб этган.

Муҳаммад Али ака Адабиёт институтининг охириги курсида ўқиб юрганида муаллима Инна Вишневскаянинг дарсига кирган. Ушанда Инна Леоциановна битирувчига "Менга интилишларингиз маъқул бўлди. Аниқ башорат қилиш фикридан йироқман-у, Сиз поэзия ва проза сеҳридан кейин драматургия даргоҳига ҳам бир бош суқиб кўрасиз!" деган экан. 94 ёш яшаган муаллима ўз ўқувчисининг нафақат оташин шoir, истезодли носир, иқтидорли драматург, балки талантли таржимон, ҳозиржавоб публицист, кенг қамровга эга эссеанавис бўлганини кўриб, "Навоий ва Бойқаро" драматизациядан тўрт йил кейин оламдан ўтди.

Муҳаммад Али ака толиб чоғи Большая Бронная кўчасидан дарса борар, кичик тахта растада ёйиб қўйилган китоблар орасидан биринчи навбатда тарихий проза намуналарини ахтарарди. Йиллар оша иждоқорнинг ўзи ҳам тарихий прозага қўл урди. Бу ўринда алоҳида уқтириш ўтишим керакки, мен адабиётшунос эмасман. Забардаст сўз заргарининг олмос қирраларга эга асарларини атрофлича таҳлил қилиш ниятим йўқ. Чунки адиб ва унинг асарлари ҳақида кўп ва хўб китоблар ёзилди, диссертациялар ёқланди. Аиниқса, бизга қариндошдан яқин оғамиз Адҳамбек Алимбеков томонидан битилган "Юлдузнинг беш қирраси" монографияси бу борада муҳим қадам бўлди. Биз эса адибнинг адабиётимизда тутган ўрнига бир назар соломқочимиз, холос.

Дастлаб адиб ўтмишимизнинг энг мураккаб даврларига тааллуқли "Сарбадорлар" романини ёзди. Романига сўзбоши ёзган академик Матқуб Қўшчонов "Муҳаммад Али ҳар бир қаҳрамонга ўша даврга хос нуқта бағишлайди", дея таъкидлаб, Қорасочбекага битилган мактубдан мисол келтиради. "Сарбадорлар" адабиётимизда воқеа бўлди. Мен романдан икки нусха харид қилиб, биринчисини Чингиз Айтматовдек улуг адибнинг мақтовига сазовор бўлган аjoyиб иждоқор Абилоксим Ўтепбергеновга, иккинчисини Қорақалпоғистон ҳукуматини ўн бир йил бошқарган азиз ишона Баҳодиржон Янгибоевга сазовор қилдим. Тез орада Абилоксим оға романини ўғришига киришди. Бир учрашганимизда Баҳодиржон "Сарбадорлар" зўр асар бўпти. Муаллифга ҳам айтдим!" деди. "Романини қорақалпоқ китобхони ҳам ўқисин-да!" деб илтимос қилдим. - Устознинг "Шаҳриёр" ва "Маспошшо"ни таржима қилгани биласиз-ку!". Шу тариқа "Сарбадорлар" қорақалпоқ тилида босилди.

Муҳаммад Али аканинг адабиётга меҳри нақадар юксак эканлигига кўп бора ишонч ҳосил қилганмиз. Утган аср етмишинчи йилларнинг охирида аjoyиб шoir Маъруф Жалилни кўргани Сағбондаги ижара уйига борсам, ўтган асрнинг элгинчи, олтишинчи йилларида ўта машҳур бўлган атоқли шoir Мамарасул Бобоев асарларининг иккинчи жилдини мутулаа қилаётган экан. "Мамарасул акамни сизлар билмай-

сизлар. Биз ёш пайтимиз у кишининг "Эрон осмони остида" деган туркумини ёд олган эдик. Уюшма раҳбарларидан бири бўлиб ишларди. Шайх домла жигаридай кўрарди. Чорасиз дард туфайли олтимишга етмай оламдан ўтди. Бу тоғни Муҳаммад Али юқори дид билан нашрга тайёрлади. Умуман у асл иждоқорларга оқибат кўрсатишни хуш кўради!" деди...

Орадан кўп сувлар оқиб ўтди. Ўзбекининг камтарин ва дилбар шoirи Маъруф Жалил ҳам "Паризодим, сени излаб тоғларга бордим" дея бу ёруғ оламни тарқ этганига анча бўлди. Бир гал Камчиқ довоини орқали Андижонга, навбатдаги бобурхонлик анжуманига отландик. Машинанинг олд ўринида мен, орқа ўринида атоқли матншунос, бирданига Хўжад, Гулистан, Фаргона дорилфунунлари домласи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ваҳоб Раҳмон ва унинг рафиқаси, Халқаро Бобур мукофоти лауреати, таниқли олим ва таржимон Янглиш Эгамова ўтирардик. Раҳматлик Янглиш опа "Иккинчи курсда ўқиганимда "Еш Вертер"ни таржима қилиб, нашриётга бордим. Тегишли бўлим эшигини тақиллатсам, Муҳаммад Али ўтирган экан. "Хўш, хизмат, синглим!" деди. Вертерни айтган эдим, эшикка югуриб келди. "Наҳотки, "Вертер"ни таржима қилган бўлсангиз. Аjoyиб-ку!" деди. Тез орада китоб босилиб чиқди. Минг афсуски, калондонмоқ ноширлар боис қанчадан-қанча дурдона таржималар нашриётларга етмай қолиб кетди. Миртемир домла "Манас"ни ўғирганида қанчалар азият чекканини биласиз!" деди. Ушанда мен папкамдан айнан Муҳаммад Али ака тавсияси билан ёзилган "Ой теғрасида олдузлар" китобини кўрсатдим. Китобнинг номини ҳам Муҳаммад Али ака қўйиб берган эди. У киши бундай яхшиликларни қанчадан-қанча иждоқорларга раво кўрганини биламан.

Яхшидан шарафат дейдилар. Бир галги суҳбатимизда Муҳаммад Али ака "Сиз шох ва шoir Бобур Мирзо тарихини яхши биласиз. Бобур Мирзо ҳақида бир асар ёзмайсизми?" деб қолдилар. Ўша оқшом Дўрмон иждоқоридида шох ва шoir ҳақидаги асаримнинг биринчи бобини ёздим. Бироз вақт ўтгач, ўша бобни устозлардан бирига кўрсатсам, "Хуррият" газетаси бош муҳаррири, адабиётшунос жонқуралидан бири Абдурашад Жумақуловга берибди. Асардан парча "Хуррият"да чиққач, Муҳаммад Али ака кўнги-роқ қилиб, илик гаплар айтди. "Тўзал асар бўлапти экан. Дадилад давом эттиринг!" деди.

Оқилнинг боғи кўкариб, шигилшигил мевалар бераверади. Биз устознинг "Улуғ салтанат" тетралогиясини, ҳар қайсиси 23 бобдан иборат "Жаҳонгир Мирзо", "Умаршайх Мирзо", "Мироншоҳ Мирзо", "Шоҳрух Мирзо" романларини назарда тутмоқдамиз. Бошқа китобхонлар ва бошқа ҳамкасбларимни билмадим-у, мен бу эпопеяни Т.Қаипбергеновнинг "Қорақалпоқ достони", Ж.Икромийнинг "Бухоронинг ўн икки

дарвозаси", И.Есенберлиннинг "Кўчманчилар" ва "Олтин Ўрда" тетралогиялари, Т.Қосимбековнинг "Синган қилич" ва "Босқин", Т.Жумагелдиевнинг "Хаммаси заминнинг ёдида" ва "Қора яшин", Ю.Самад ўғлининг "Қатл кунини" ва "Талактика" романларидан кам кўрмайман. Бир вақтлари буюк А.Қодирий бошлаб, нуфузини С.Айний, М.Авезов, Б.Керобоевлар кўтариб, Ч.Айтматов, О.Ёқубов, А.Нурпеисов, С.Улуғзода, П.Қодировлар мустаҳкамлаб берган Ўрта Осиё романчилиги мактабиди ўз тенгдошлари Ш.Холмирзаев, Ў.Ҳошимов, О.Мухтор, С.Сиеевлар билан бирга Муҳаммад Алининг ҳам ўз ўрни бор. Бу ўрин, бу мавқега баҳони энг одил ҳакам китобхон, қолаверса, вақт беради. 2005 йили устоз адибнинг "Абадий соғинчлар" роман-хроникаси босилиб чиқди. Бу асарни қўлимга олганда, энг аввало, бизларга замондош бўлган Владимир Чилихин(айни кунларда таваллуднинг 110 йиллиги кенг нишонланаётган улуг шoirимиз Усмон Носирнинг сўнгги манзили, яъни Кемерово вилояти, Маринск тумани, Первомайское қишлоғида туғилган адибнинг икки жилдлик "Хотира" роман-эссеини эсладим. Йўқ, Муҳаммад Али аканинг роман-хроникаси йўналиши, нуқтаи назари буйича бутунлай бошқа асар экан. "Ватан тарихи деганда нимани тушунамиз? - деб ёзади забардаст адиб. - Ватан тарихи деганда шу Ватан тупроғи, унда истиқомат қилдиган, унинг соҳиб бўлган халқ кечмиши, қадим-қадим замонлардан бошлаб юз берган воқеалар қаймоғи, давлатларнинг парвози-ю инқирози, халқнинг улуг фарзандлари ҳаёти саҳифалари, босқинчиларга қарши ҳаёт-мамат курашлари, яхши замонларга умид боғлаб чорасизлик оқибатида юртдан кўнгили узоқлик кетишлар, қувғун бадағаларга дучор бўлишлар, мусофирчилик захматлари ва ҳоказолар муважжасидан иборат бемисл изтиробларни назарда тутамиз!"

Бемисл изтироблар устознинг янги асари "Клеопатра" романи сюжетидан ҳам қизил ип бўлиб ўтади. Муҳаммад Алининг романтик бўёқларга бой поэзиясида ўзи туғилган-ўсган шуқуҳли Андижон заминидан олган заволсиз завқини сезиш қийин эмас. Зеро, Боғишамол боғларидан уфуриб турган муаттар бўйлар нафақат буюк Бобур ва буюк Чўлпон, Ҳабибй ва устоз Комил Яшин, балки шoirга болалиқдан бошлаб умри бўйи содиқ дўст бўлган Халқ шoirи Тулан Низом, сийли сафдошларидан Саида Зуннунова, Олимжон Холдор, Ҳанифа Солиҳова, Турсунай Солиҳова, Қамчибек Кенжа, Фарид Усмон, Муҳаммад Юсуф, Абдунаби Бойқўзиёв, Минҳожиддин Мирзо, Хуршида Ваҳобжон қизи ва бошқа ўнлаб аjoyиб адибларга илҳом бериб келади. Қолаверса, шoir ўсмир чоғларида Бекобоннинг хуш атирли анорзор боғларидан илк асарлари учун шуур излаганини ҳам таъкидлаш мумкин эмас. Юртга муҳаббат адиб иждоқининг қаймоғига айлангани барча асарларидан аниқ-тиниқ кўзга ташланиб туради.

Муҳаммад Али нафақат атоқли шoir, забардаст адиб, таниқли драматург, талантли таржимон, балки давримизни энг пешқадам публицистларидан биридир. Бир шоғирди мен бўлсам, шу йилнинг ўзида биргина "Янги Ўзбекистон" газетасида ўна яқин катта-кичик мақолаларим берилди. Биз ўша мақолаларимизни устозини "Амир Темур чамани", "Мен кўрган Америка", "Замондошим портретида чизгилар", "Оқ лайлак" китобларидан руҳланиб ёзганмиз. Замонамизнинг саксон ёш довоидан ошган забардаст адибни эрталаб Амир Темур жамоат фондида, тушга яқин ўзбек-қирғиз дўстлик жамиятида, тушдан кейин Абдулла Қодирий иждо мактабиди, Ёзувчилар уюшмасида кўриш мумкин. Энг муҳими, адиб янги-янги асарлар устида ишламоқда. Муҳаммад Али ёзган асарлардан, академик Бахтиёр Назаров ибораси билан айтганда, китобхон кўнели ва йўлини ёртиб турадиган нур таралиб туради. Ўша нур устозини кўнели ва йўлини юз ёшига ёртиб турсин!

Аччиқ, аммо очик гаплар

Умрага бориб келган, уйларига "Умра муборак" деган зарҳал ёзувлар ёзиб, оёқлари тагига узун пойндозлар солган, ўзларига тўқ таниш-билишларга шўрваю ошлар тарқатиб, дуо олгани келганларга тасбеҳу жойнамозлар ҳадя қилган хожи акалар, хожи оналар.



Қўшнингизнинг қорни тўқми?!

**Мирзоқид АБДУҚОДИРОВ,
Чилонзор туман маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи,
халқ депутатлари Чилонзор туман Кенгаши депутати**

Унутманг, маҳаллангизда ҳафтасига бир кило гўшт ёёлмаётган, тойдан чакки ўтаётган, отасиз ё онасиз қолган етим ёудак болаларимиз бор. Маҳаллангизда ойлаб, йиллаб бир жойда михланиб ётиб қолган беморларимиз бор. Тўғри, қўллаб муҳтож оилалар ташқаридан қарасангиз ўзини гўё қўйналмаётгандай кўрсатади. Чунки улар ориятли. Ваҳоланки, айнан сизнинг маҳаллангизда қўйинчилиғини бировага айтолмай, кечаси билан йўғлаб чиқадиган беморларимиз бор. Айнан сизнинг маҳаллангизда кунлик топганини болалари ва ўзининг қорнидан орттиролмаб юрган кўп фарзандли ота-оналар бор.

Сизнинг маҳаллангизда эри ўтиб кетиб, бири боғчада, бири биринчи синфда ўқийтган фарзандлари билан қолиб кетган икки сағир бор. Кунда мактабдан келиб, онасига "Синфдошим уни кийибди, буни кийибди, менга қачон олиб берасиз?" деб кунлик 30 минг сўмга ишлайдиган онанинг бағрини тиладиган болалар бор. Боласига "Бугун сенга янги этик олиб келаман", деб эски-туски бозоридан сап янгироқ этикчини олиб келган, артиб-тозалаб, мактабдан келган боласига янги этикча деб берган оналаримиз бор.

Кўшнингиз боласи билан ўйнаган, уларнинг овқатланишига ўтирганини кўриб қолган, сўнг уйига келиб, бева онасига: "Ая, биз ҳам қачон қабоб, холва, ёнғоқ өймиз, асалнинг мазаси қанақа бўлади, биз қачон шоколадли сарийё өймиз?", деб хархаша қилаётган фарзандларимиз бор. Эртага Аллоҳнинг олдига Умрага бориб келиб, шохона зиёфат бермаганимиз учун эмас, мана шу етим болаларнинг кўзидан оққан ҳар бир томчи кўз ёши учун жавоб берамиз. Онаси эски-туски бозоридан олиб келиб берган эски этикчининг ўрнига янгисини олиб бермаганимиз учун жавоб берамиз. Бола асалнинг мазаси қандайлиғини билмай ўтаётгани учун жавоб берамиз. Уйимизда ўзимиз ёнғоқ-майиз еб, етим болаларга бермаганимиз учун жавоб берамиз.

Келинлар, маҳалладаги хожи ота-оналарга бир тақлиф берайлик: Умрага бориб келгач, зиёфату турли совғаларга сарфламоқчи бўлган маблагларингизни етим-ёсирлар, касаллар, қўйналган оилаларга берайлик. Зора шу амалимиз Аллоҳга маъқул келиб, зиёратларингиз қабул бўлса...

Сиз бунга нима дейсиз, азизлар?

Қиқинди қачонгача кўчага ташланади?

Бу сурат хорижда эмас, ўзимизнинг жонажон Ўзбекистонимизда олинган. Базмларда дастурхонни безатишни қойиллатадиган, тўйхоналарда "романтик" томошалар қўядиган, уйларини дангил-лама қошонага айлантирган ўзимизнинг ўзбеклар маҳалласи.

**Хуршид ХОНКЕЛДИЕВ,
Учтепа туман кенгаши раиси**

Расмега диққат билан қаранг. Нима, атрофимиздаги одамлар шу қадар ёввойилашиб кетаяптими ёки бекунтлик, эътиборсизлик ботқоғига гарқ бўлаяптими?

Бугун турмушимизда ярим тайёр маҳсулотлар шу қадар кўпайиб кетдики, ҳар бир истеъмол қилинадиган нарсани қадоқланган қоғоз ёки елим идишларда харид қиламиз. Кўпчилик ёшлар кўча-кўйда истеъмол қилган нарсасини дуч келган жойга идиши билан улоқтириб кетаверади. Бир жиҳатдан бу ҳолат маданиятсизлик белгиси ҳисобланса, яна бир жиҳатдан мамлакатимизда бунга қарши қатъий қонунлар йўқлиғи ёхўд қаттиқ назоратга олинмаётганлиги сабаб бўлмоқда.

Ахир кўпгина ривожланган мамлакатларда, масалан, Европа давлатларида кўчага чиқинди ташлаган кишинини шахсини дарҳол аниқлаб, тўғридан-тўғри уй манзилига жарима қоғози бoрoрoлади.

Сўзимнинг исботи сифатида мисол айтмай. Танишим Германияда хизмат сафариди бўлиб турганида дўстлари билан кўча айлангани чиқадди. Йўл-йўлақай банан еб, пўстини эса дуч келган жойга ташлаб кетишган. Эртаси куну у турган квартирага йўлга банан пўстинини ташлаб кетганлиги учун жарима тўлаши кераклиғи ҳақида хат келади. Дўстин бу ҳолатдан ҳайратта тушади.

Бизда ҳам шу усулни қўллаш маериди келаётганга ўхшайди. Акс ҳолда... Қолаверса, юртдошларимиз шу каби маънавиятсизликларга йўл қўймоқдами, демак, таълум-тарбия заифлашган. Уни ҳам мустаҳкамлаш вақти келган.




"КИНО УЧУН ТУГИЛГАН!"



— Раънохон ая, ёшлигингизда актёрнинг рафиқаси бўлман, деган фикр ҳаёлингизга ҳам келмаган бўлса керак-а?
— Уйлаш қаёқда дейсиз. Бизнинг ёшлигимиз оғир йилларга тўғри келган. У пайтларда бугунгидай дорилмомон кунлар қайда?! Ургут туманининг "Камонгарон" маҳалласида яшардик. Отам уруш қатнашчиси бўлиб, савдо соҳасида ишлаганлари учун бизнинг шароитимиз бошқаларникидан хийла яхшироқ эди, чамамда. Онам уй бекаси, 7 фарзанднинг ҳамма ташвиши зиммасида эди. Отам ўқимизга катта аҳамият бергани учун барча ака-сингиллар мактабни намунали ўқувчи сифатида тугатдик. У пайтда қишлоқда камдан-кам оила фарзандини ўқишга жўнатарди. Менинг орузим она тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиш эди. Аммо Самарқанд давлат институтига кириш имтиҳонларидан ўтла олганга, отам мени собиқ "район комсомол комитети"га ишга жойлаштириб қўйдилар, 4-5 ой ишлаганимдан кейин ўзим таҳсил олган мактабга ишга қақаришди. У пайтдаги шароитдан келиб чиқиб, зиёли, билимли ўқитувчилар кам бўлгани учун мени, авваллига, ўша давр атамаси билан айтганда, пионервожатий, сал ўтиб ўқитувчи қилиб ишга олишди. Шу билан менинг ўқитувчилик фаолиятим бошланди.

гиз бўлмади, деб ёнимизга олиб келмоқчи бўлидик, олиб ҳам келдик. Аммо у киши Тошкентга келиб инсульт бўлиб қолсалар, денг. Киш қаҳратонида телеграмма орқали икки поччаларини чақиртириб, машинада бир амаллаб Ургутга олиб кетдик. Тақдир ёзгани



— Замова зайли билан у пайтларда ўқитувчилар етишмагани учун билимли ёшларни ишга олишган эканда?

— Ҳа, чуқки шароит қийин, одамлар қорин гамида, китоб-дафтарлар, ўқув куроллари етишмас, оналар болаларига папка тикиб беришар, унда идишдаги суюқ сиёҳ тўкилиб, китоб-дафтарларнинг расвосини чиқарар, бир донна китобни навбаги билан ўқир эдик.

— Ражаб ака билан танишувингиз қандай бўлган? Тўйингиз бўлганда у киши актёр бўлиб танилганми? Унинг элга машҳур актёр бўлиши мумкинлиги ҳақида тасаввур ҳам қилмаганми?

— Аслида иккалаимиз бир мактабда таҳсил олганми, аммо бир-биримизни танимаганми. У киши мактабни тугатгач ҳам устозини кўришга келиб турар эканлар. Бир келганларида шу ерда ишлайдиган жияни: "Уйлансангиз бир яхши қиз бор", деб мени кўрсатибди. Шу билан тақдиримиз боғланди. 1972 йилда тўйимиз бўлди. Қайнотам Ражаб ака 12 ёш бўлганда оламдан ўтган, оилада қайнонам ва 2 қайнопам бўлиб, улар ҳам турмушга қиқиб кетишган эди. Қайнонам жуда меҳнаткаш ва меҳрибон аёл эдилар. Маҳалламизда кўни-кўшилларнинг қўйлақларини тиккар, чопон тикиб, бозорга олиб чиқиб сотиб, рўзгор тебратардилар. Ана шундай тинч ва осойишта оилга келин бўлидим. Ражаб ака ҳам бир йилча Ургут халқ театрида ишлаб юрдилар-у, Тошкентга кетиш фикридан қайтмадилар. Онаси у кишини оилали бўлса шу ерда яшаб қолар, деган ниятда Ургутдан уйлантирган бўлсалар ҳам унда катта ижод қозонида қайнаш ишти-ёки кучайганидан кучайиб бораверди. "Ўзбекфильм"га ишга қақиргач, кетдилар...

қаранг-ки, борган кунимиз учинчи фарзандимиз туғилди. Шу билан хўжайиним 8 ой онасига қараб, ёнларидан жиймай ўтирдилар. Ишлари қолиб кетаётганлиги учун мен: "Сиз бораверинг, онамизга ҳам, болаларга ҳам ўзим қарайман, мактабга ишга кираман, рўзгорни ҳам ўзим тебратаман", деб, ҳаммасини зиммамга олиб, у кишини Тошкентга жўнатдим. Чунки бошқа йўл йўқ эди, у кишининг иши қолиб кетаётган эди. Эрталаб қайнонамга, болаларга қараб, мактабга кетардим, 2-синфда ўқийдиган қизим бешик тебратиб, укаларига қараб ўтирдилар. Мен келишим билан қизалоғим мактабга чопарди. Ўша 1981-1982 йиллар ҳаётимызда оғир синовили йиллар бўлди. Бир йилдан кейин қайнонам бандиликни бажо келтирдилар. Эшикни қулфлаб кетса уят бўлади, деб яна бир йил, токи қайнонамнинг ҳамма маъракаларини ўтказгунимизча Ургутда яшашимга тўғри келди. Тўртинчи фарзандим ҳам Ургутда туғилиб, 7-8 ойлик бўлганидан кейин яна Тошкентга келганман. Албатта, ҳаётда ҳеч нарса исзис кет-

Кейинчалик 1930 йилларда "Ўзкино" ташкил қилинган, унда чавандоз-дублер бўлиб ишлаган ва иш жараёнида отдан сакраб, оқсоқ бўлиб қолган, шу билан иш фаолияти ҳам якунланган экан. Ражаб ака ҳам болалигидан санъатга қизиққан бўлиб, ёлғиз ўғил бўлгани учун ҳам онасининг уни шаҳарга олиб беришга юборишга кўзи қиймай, курувчи бўлиб ишлаб, ўз бағрида, кўз олдидан юришини истаган. Аммо Ражаб ака бир йилгина эур-базур ишлаб, барибир Тошкентга кетган эканлар. Вилоятдан келган, ҳеч қаерда ўқимаган бу йигитнинг истеъдодини синовдан ўтказган устоз санъаткорлар унинг дипломсиз эканига ҳам эътибор қаратмасдан турли ролларга қабул қилишган. Кейинчалик яъни, 1964 йилда "Ўзбекфильм" киностудиясига ишга кириб, 1970 йилда Тошкент театр ва рассомчилик институтининг актёрлик бўлимини ҳам битирганлар.

— Актёр билан яшашнинг мушкул ва афзал томонлари нималардан иборат? Менинча, одам ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларга, турмушдаги кундалик ташвишларга осон деб қараса осон, қийин деб қараса қийин кўринаверади. Шундай эмасми?

— Ҳақиқатдан ҳам шундай. Умр йўлдошим касбига шунчалар садоқатли эдилар-ки, ҳаётимиздаги ҳар қандай вазиятда ҳам ишдан, сўемкалардан қолмас эдилар. Ҳаттоки, мен касал бўлганим, болалар соғлиғида муаммо бўлганим, "Бормасам бўлмайди", деб ишга кетардим. Бир ўзим бегона юртда гоҳ ишга, гоҳ шифокорга, гоҳ уйга югураман... Агар ўша пайтлар бу ҳолатни оилга эътиборсизлик, деб баҳоласам, оилам дарз кетиши мумкин эди. Шунинг учун: "Менга ишонадилар-да, ишларининг масъулияти оғир", деб қабул қилганман.

Баъзида актёрга роль берилмаган вақтлари ҳам бўларди. Шундай вақтда оилга аёлнинг ёрдами керак. Бунинг устига актёрнинг аёли оила залворини елкасига олишга тайёр бўлиши лозим. Узоқ муддатли сўемкалар натижасида уйдан хабар ололмайдди. Бу унинг касб тақозоси эканигини тушуниши лозим.

Актёрнинг оиласи бўлишининг яхши томони шунки, премьераларда, кўча-кўйда юргангизда одамлар сизга фалончи актёрнинг аёли сифатида ҳавас билан қарашади, бунинг устига яхши фильм яратилса, узоқ йиллар томошабинлар эҳтиромига сазовор бўлишар.

— Раънохон ая, актёр ҳаёти кинода акс эттирар экан, деярли барча образларда аёллар билан бирга роллар ижро этади. Сизлар анча вақт бир-бирингиздан узоқда яшашга мажбур бўлгансиз, шундай вақтларда умр йўлдошингизни қизганмасингизми?

— Уринли савол. "Ой бориб, омон қайт" фильри биз фотиха қилинган пайтимиз экранларга чиққан эди. Бу кинони Ургут кинотеатрида ўқитувчилар билан бирга томоша қилганимизда, касбдошларим: "Бегона қизлар билан юрибди, рашк қилмайсанми?"

одам. Оиласига садоқатли инсон. Ижодий сафарларга кетсалар ҳам рўзгоримизни бут қилиб, кейин кетар эдилар. Болажон киши. Ишдан келиши билан болаларига кучоғини очардилар. Шунда икки кичик фарзандимиз отаси бағрига югуришарди, икки каттаси эса индамай туришарди. Шундай пайтлари жуда хафа бўлиб кетардилар: "Нега бегонасирашади булар? Мен отасиман-ку!" деб. "Хафа бўлманг, улар сизни кам кўришган-да, ўрганиб кетишарди", дердим. Ҳозир невараларига жуда меҳр берганлар. Келинларининг қўлидан боласини олиб, уларга қараб, овқатлантириб, ўйнатиб, эрталар айтиб бериб, ухлатиб қўядилар. Болалар ҳам бобоси билан зерикишмайди. Ёшлиғида иш билан бўлиб, болалари ёнида кам бўлганининг ўрнини невараларига берган меҳри билан тўлдирардилар, дейман уларга қараб. Келинларини ҳам жуда ҳурмат қиладди. Нима таом тайёрлашни сўраса, "Ўзингиз егингиз келган овқатни пишингиз", дейди. "Келиним йимайми, яхши кўрган таомини емай юрман", дейдилар-да. Овқатдан сўнг келинларини алқаб, узундан-узоқ дуо қиладилар. Бировнинг кўнглини оғритиш у кишига бегона. У кишининг кайфиятини кўтариш, кўнглини олиш жуда осон: ўз вақтида биров эътибор қаратилса, бас.

— Актёр ҳаётда кўпроқ нималардан азият чекади?

— Ноҳақлик бўлса, ким-кимгадир ичиқоралик қилиб, тўхмат қилса, баъзида иккиюзламачи одамларни кўрса, хафа бўладилар. Ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қарайдиганларни ёқтирмайдилар, ундайлар ҳеч қачон сўзида ҳам турмайди, бировга фойдаси ҳам тегмайди, дейдилар. Мансаб ва бойлик орттириш мақсадида ўз қилинларини ҳам сотиб кетадиган одамларни ёмон кўрадилар.

— Актёр кўнглича комик роллар ижро этади. Оила даврасида, ҳаётда ҳам шундай хислатга эгми ёки жиддий характери инсонми?

— Умр йўлдошимни кўнглида кири йўқ инсон, туғма комик актёр дейиш мумкин. Аммо гоҳида хушқақчақ, гоҳида босиқ, Дастурхон атрофида ўтириб овқатланаётганимизда ҳам табиий ҳолатда кулгуга сабаб бўладиган ҳазил қиладилар ёки телевизордаги актёрнинг қилиғини ўхшатиб берадилар. Баъзида невараларимизга бир шеърини ҳам сокин, ҳам кулгуги, ҳам қайғули оҳангда айтириб, ҳаммамизни қулдириб ўтирадилар. Келиним ҳали юлғича қулиб эслайди, тўйдан бир ҳафтадан ўтгач, ҳамма овқатланиб, ўз хонасига кириб кетгач, ўта жиддий кайфиятда: "Ҳамма шу ерга йилгисин!" десалар, янги келин бечора ичиди: "Нима бўлди? Овқатим бемаза бўлганмикин? Қандай айб қилдим? Эй худо, ўзинг қўлла!" деб роса дуб қилибди. Ҳамма тўплангач эса Ражаб ака: "Тарвуз еймизми ёки қовунми? Шу масалада менга ким ёрдам беради?" деб қулиб юборсалар, ҳаммамиз қўшилиб кулганми.



майти, бу орада соғлигимда муаммо пайдо бўлиб, асабларим чарчаб, уйқусизлик касалига дучор бўлиб қолдим. Хўжайиним ҳазиллашиб: "Бошқага уйланмасам бўлмайди", дердилар. Ҳозир баъзида шуларни эслаб, "Эринг бўла туриб, тўрт болани боқиб, ҳам ишлаб, ҳам рўзгор тебратган сендек аёлга ҳайкал қўйиш керак!" десалар, хурсанд бўлиб кетаман. Инсон сув келса симириб, тош келса келмириб яшасагина ёруғ кунларга етар экан.

— Актёрнинг кинога муҳаббати шу қадар кучли бўлишига нима сабаб бўлган?

— Менимча, санъатга қизиқиш турмуш ўртоғимга отасидан ўтган бўлса керак. Қайнонамнинг айтишларича, қайнотам Адаш Ҳалим ўғли 5 кишилик масҳарабоз комиклар гуруҳини тузиб, фаолият кўрсатишган экан.

деб сўрайверишган. "Кинода-ку", деб жавоб берганман. Аёллар бу саволини менга кўп беришди. "Қаранг, рашк қилмайсанми?" деб гиж-гижовчилар ҳам бўлган. "Йў-ўқ, нимамга рашк қиламан", деб жавоб берганман. Тўғриси, етишмовчилик, болалар, рўзгор ташвиши билан бўлиб, рашк ҳақида уйлаб ўтиришга вақтим ҳам бўлмаган. Мактабда "Ўзи яхши дарс берасиз", деб икки синфини бериб қўйишган, бошланғич синфларга 2 сменда дарс ўтардим. Оиладаги келишмовчилик ва жанжаллар аёлларнинг уйда бўш ўтиришганидан келиб чиқса керак, деб ўйлайман.

— Актёр кўпчилик ролларида содда, самими қаҳрамон образида гавдаланади. Аслида у киши қандай инсон?

— Ҳаётда ҳам содда, самими, кўнглинчан

Фақат уйда олтин қондаимиз бор: у кишининг айтгани, буюрган иши, албатта, бажарилиши керак ва шарт. Гапи ерда қолмаслиги керак, бу масалада жуда инжиқ.

— Бўш вақтларида кўпроқ нималар билан машғул бўлишни яхши кўради?

— Ёши 80 га яқинлашган, аникроғи, 78 га кирган бўлса ҳам у кишини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа қақаришди. Китоб мутолаа қиладди, дунёнинг энг таниқли актёрлари роль ижро этган киноларни кўриб, уларнинг маҳоратини кузатади. Невараларига тарбия беришдан асло чарчамайдилар: кенжа неварамиз Мубина боғчадан келиши билан қўлларини кўксига қўйиб, бобосига: "Ассалому алайкум, ҳурматли бобожон!", деб таззим қиладди, бобоси ҳам ўз навбатида: "Ваалайкум ассалом, ҳурматли Му-

бина неварам!" деб қучоқ очиб қутиб оладилар. Биз бобо ва неваранинг бир-бирига муомаласини кўриб, қулиб, қувониб ўтираемиз. Бу ижодкор инсон бир умр ўз ижро этган роллари билан одамларга маънавий озуқа берган бўлсалар, энди невага, эвараларига ўзаро ҳурмат ва гўзал муомалани ўргатаётганлар, дейман ичимда.

— Ражаб Адашев ўзининг "Абдуллажон", "Кичкина табиб", "Осондаги болалар", "Девона", "Кичкина табиб" каби ўнлаб, юзлаб фильмларидаги роллари билан барча томошабинларнинг кўнглидан жой олди ва уларнинг ҳурматида сазовор бўлди, умрбоқий образлар яратди. Сизга у ижро этган қайси фильмлар кўпроқ манзур бўлган ва уларнинг қай бирида ўз характериға ақин образларда гавдаланган?

— "Абдуллажон" фильми кўпчилик томошабинлар қатори менга ҳам жуда манзур бўлган. Ўша фильмдаги роллари актёрнинг ҳаётдаги ўзлигига жуда яқин. Шу кинони кўрсам, оила-болани, турмуш ўртоғимнинг асл қиёфасини кўргандай бўлман. Ражаб ака қайси фильмда, қайси ролни талқин этмасин, айтмоқчи бўлган фикрини нафақат сўзда, балки, ҳар бир хатти-ҳаракатида, юз ифодасида баён эта олиш қобилиятига эга. Худди бу кино эмас, ўз ҳаётида бўлаётган воқеа каби оддий ва ишонарли қилиб ўйнайди. Ўзларининг тили билан айтганда, шу образда "яшайди". Ражаб ака кино учун туғилган, агар ўйқусидан уйғотиб, бирон образдаги бирор эпизодни сўрасангиз, осонгина ижро этиб бера олади.

— Фарзандлари орасида ота касбини давом эттираётганлари борми?

— Қизларимиз менинг касбимни танлаб, ўқитувчи бўлишди. Кимёон Чилонзор туманидаги 1-сонли касб-хунар мактабининг маънавий буйича директори ўрибосари. Кичик қизимиз Барно ҳам Чилонзор туманидаги 107-сон умумий ўрта таълим мактабига маънавий буйича директор ўринбосари. Кимёоннинг ўғиллари санъат йўлидан боришапти. Хислат консерваториянинг магистратурасини академик хонандлик йўналиши буйича битириб, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида катта солист бўлиб ишляпти. Қизи таржимон, кичик ўғли Ибрагм ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қошидаги Ҳарбий музика академик лицевий ўқувчиси.

Ўғилларимиз ҳам ота касбига қизиқишарди-ю, аммо отаси: "Санъат жуда оғир соҳа, унда ишлаш учун жонингизни фидо қилишининг лозими, баъзида оилангиз ҳам иккинчи ўринга қўйишингизга тўғри келади. Менинг қийналганим етар", деб рухсат бермадилар. Кейин барибир санъатга яқин соҳаларни танлашди. Раҳим "Ўзбекфильм" ДУКда овоз эшиш чеҳи бошлиғи. Зиддулла МТРКнинг "Маънавий тамаърифат" каналида монтаж устаси. Барибир санъаткор оиласида камолга етгач, иккаласи ҳам санъат шайдоси. Ҳатто келинларимиз Шаҳноза муҳандис, Дилором тadbirkор бўлишса ҳам оиламиздаги ҳар доимги соҳа борасидаги жараёнлар ҳақидаги муҳокама-ларни, суҳбатларни тинглайвериш, улар ҳам сал кам санъаткор бўлиб кетишган.

— Нима деб ўйлайсиз актёрнинг армони, ушалмаган орузси бормикан?

— Билмадим, лекин бу ҳақда бирон марта гапирганларини эшитмаганман. Мен у киши билан ярим аср, 50 йил бирга яшадим. Ёшлиғида эришган муваффақиятларим ҳам, ролсам қилиб қийналганларининг ҳам гувоҳи бўлганман. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон халқ артисти, "Дўстлик" ордени соҳиб бўлдилар. Давлатимиз томонидан меҳнати қадр топди, ҳурмат кўрсатилди ва кўрсатилмоқда. Бир актёр эришиши керак бўлган ҳамма нарсага эришдилар, юздан ортиқ фильмларда суратга тушилди. Бу айтишга осон. Халққа танилиб, ҳурмат-эҳтиром кўраётганлар. 10 неварамиз, 2 эварамиз бор. Ражаб ака ҳаммамизнинг ардоғимизда. Энг бахтли одам ҳам яшаса шунчалик яшар, шунчалик эҳтиром кўради-да.

— У киши билан кеңириган, бугун ортда қолган умр йўлларингизга қараб кўнглингиздан нималар кечади?

— Фақат шукроналик! Мен яхши инсон билан яшадим ва яшайман. Орамизда уруш-жанжал бўлмаган, доим келишиб, оғир паллада ҳам бир-биримизни тўғри тушуниб яшардик. Эр-хотин — қўш ҳўкис бўлдик. Шунинг учун ҳам умр йўлдошимнинг истеъдоди юксалгандан юксалиб бораверди. Муҳими, ҳалол яшадик, бир-биримизнинг кўзларимизга тик боқа оламиз. Умр — шоққин дарё ва ортда қолажак эди. Ана шу орғимизда қолган изга қайрилиб боққанамизда юзимиз қизармайди, аксинча дилимиз ёришади. Бу ёруғлик Бахт шуъласи бўлса керак.

— Раънохон ая, ажойиб суҳбат учун ташаккур. Сизнинг қалбингиздаги шунча янглик ёғду барчанинг умр йўлларини ёритсин.

"Adolat" мухбири Саодат МАТЁҚУБ кизи суҳбатлашди

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Муассис:
«Адолат» СДП
Сийёсӣ Кенгаши

Тахрир хайъати:
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавхар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖўРАЕВ

Бош муҳаррир: Ислом ХАМРОЕВ

Зухра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОҶОНОВ
Умиджон СУЛАЙМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Шухрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149);
71 288-42-14 (144);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (132);
Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс;
Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15

Масъул котиб — Абдугани Мамасодиқов
Навбатчи муҳаррир — Саодат Раҳимова

1995 йил 22 февралдан
чиқса бошлаган

info@adolatg.uz
adolatg-95@mail.ru

ISSN 2091-5217

7122091521004

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Бюрогма Г — 1100

НАШР
ҚўРСАТКИЧИ: 100

Адади — 1303
Босиниға топширилиш вақти — 21.00
Босиниға топширилди — 21.00
Баҳоиси келишилган нархда
Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.